O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

ВАТАНПАРВАР

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ

● 2000 йил, 17 июнь, шанба № 73 (1337). ● Сотувда эркин нархда.

Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

● Суббота, 17 июня, 2000 г. № 73 (1337). ● В розницу — цена свободная.

Газета издается с 24 июня 1992 г.

ЎЗАРО ИШОНЧ—САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК АСОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамияти Давлатлараро кенгашининг навбатдаги мажлисида қатнашиш ва Тожикистон Республикасига расмий ташрифини амалга ошириш учун 14—15 июнь кунлари Душанбе шаҳрида бўлди.

1994 йил 30 апрелда Қирғизистоннинг Чўлпонота шаҳрида ягона иқтисодий маконга асос солиш ҳақида шартнома имзоланган эди. Шу йили мазкур шартномага қўшилган мамлакатларнинг Давлатлараро кенгаши ҳамда Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкига (Центразбанк) асос солинди. Давлатлараро кенгаш ҳамжамият доирасида иқтисодий тараққиётнинг устувор йўналишларини белгилаш, ҳамкорлик алоқалари тизимини мувайян йўналишга солиш билан боғлиқ масалаларда раҳбарлик қилса, Центразбанк қўшма лойиҳаларнинг молиявий таъминоти билан шуғулланади.

Навбатдаги, Душанбе саммити, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди. Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳволи, интеграцияни янада чуқурлаштириш, яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар юзасидан фикр алмашди.

Давлатлараро кенгаш мажлисида эса ҳамжамиятни ривожлантириш истиқболлари, Марказий Осиё минтақасининг сув-энергетика захираларидан ҳамкорликда ва унумли фойдаланиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратилди. Шунингдек, ўтган даврда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Ўтган йили ҳамжамият давлатларида саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш, хорижий сармоя жалб қилиш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида сезиларли ўсиш кўзга ташланди. Энг муҳими, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо барча мамлакатларда иқтисодий тараққиётнинг муҳим кўрсаткичи ҳисобланган ялпи ички маҳсулот ҳажми ортди. Жумладан, бу борадаги ўсиш Ўзбекистонда 4,4 фоиз, Қозоғистонда 1,7 фоиз, Қирғизистонда 3,6 фоиз ва Тожикистонда 3,7 фоизни ташкил этди. Рақамлардан кўриниб турибдики, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулот ҳажми жиҳатидан қўшни давлатлар орасида етакчи ўрин тутмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Кенгаш мажлисида сўзлаган нутқида қатнашчилар эътиборини йиғилиб қолган долзарб муаммоларга қаратди. Кенгаш йиғилишларида одатда ўзаро иқтисодий ҳамкорликнинг устувор ва муҳим йўналишлари белгиланади, бироқ уларнинг барчаси ҳам амалга ошяпти, деб бўлмайди.

Шу боис, Ўзбекистон раҳбари минтақа давлатларидаги жамият қурилиши, бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича стратегик марказлари уюшмасини тузишни таклиф этди. Уюшмага бирлашган мутахассислар гуруҳи Марказий Осиё республикаларида амалда бўлган иқтисодий моделларни солиштириш, белгиланган умумий мақсадлар амалга ошиши учун уларни мослаштириш ва мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида тавсиялар ишлаб чиқиш билан шуғулланади.

Мамлакатимиз раҳбари минтақа давлатларининг мавжуд муаммоларни ҳал қилишга турлича ёндашуви стратегик вазифалар бажарилишига тўсиқ бўлаётганини қайд этди. Дейлик, Қирғизистон ва Тожикистон икки бўюк дарё — Сирдарё ва Амударёнинг сув-энергетика захираларидан ўзаро фойдаланишга ҳаракат қилади. Бу эса қуйи оқимда жойлашган Ўзбекистон учун ноқулайликлар туғдириши табиий. Муаммоларга шу зайлда якка-якка ёндашувлар охир-оқибат минтақанинг умумий манфаатига хизмат қиладиган қарорлар чиқарилишига тўсқинлик қилади.

Ислом Каримовнинг фикрича, сув захираларидан унумли фойдаланиш бўйича лойиҳалар ижросига халқаро тузилмаларни жалб қилиш зарур. Бу тузилмаларнинг иштироки лойиҳаларни маблағ билан таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Мамлакатимиз раҳбари, минтақада сув захираларидан унумли фойдаланиш концепциясини ишлаб чиқиш зарурлигини ҳам алоҳида таъкидлади.

Мажлис иштирокчилари Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бундай таклифларни тўла қўллаб-қувватлади.

Давлатлараро кенгаш мажлиси якунида Президентлар бир неча ҳужжатга имзо чекди. Жумладан, Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятининг 2005 йилгача бўлган муддатда интеграцияни ривожлантириш стратегияси ҳамда ҳамжамият давлатларининг 2002 йилгача муддатда ягона иқтисодий маконни яратиш бўйича биринчи навбатдаги саъй-ҳаракатлари дастури тўғрисидаги қарорларига қўл қўйилди. Шунингдек, президентлар Сарез кўли билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир мурожаатномалар қабул қилди.

Сарез кўли кучли зилзила туфайли Мургоб дарёсининг тўсилиб қолиши оқибатида вужудга келган бўлиб, бу ерда миллионлаб куб метр сув йиғилган. Айни пайтда минтақада сейсмик фаоллик ортгани кўлнинг табиий тўғони дарз кетиши хавфини туғдирди. Агар, худо кўрсатмасин, тўғон дарз кетса, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Афғонистоннинг беш миллионга яқин аҳоли истиқомат қиладиган ҳудуди жиддий хавф остида қолади. Сарез кўли муаммосини ҳал этиш катта миқдорда маблағ талаб қилади. Шу сабабли, Душанбе саммитида Сарез кўлини хавфсиз ҳолатга келтиришда молиявий ёрдам кўрсатишни сўраб, жаҳон ҳамжамияти ва халқаро ташкилотларга мурожаат қилинди.

Иқтисодий ҳамкорликка бағишланган саммитда нега мазкур анжуманга унчалик ҳам алоқадор бўлмаган масала кўтарилиб, Афғонистондаги вазиятга оид мурожаатнома қабул қилинди, деган савол туғилиши табиий. Гап шундаки, Афғонистон можароси минтақа мамлакатларининг иқтисодий манфаатларига катта тўсиқ бўлиб турибди. Минтақа мамлакатларининг мазкур давлат ҳудудидан ўтувчи қисқа ва қулай йўллар орқали Ҳиндистон ва Покистонга, кейин Ҳинд океани орқали Жанубий-шарқий Осиё ва бошқа минтақаларга чиқиш имконияти чекланиб қолган. Масаланинг иқтисодий томони ҳам бор. Айни пайтда бу давлатдаги вазият тобора мураккаблашиб бораётир. У террор ва наркобизнес марказига, шунингдек, ҳокимият илинжида бўлган томонлар ўртасидаги улкан жанг майдонига айланиб улгурди. Жаҳон ҳамжамиятининг саъй-ҳаракатларига қарамай, бу киргинбаротни тўхтатишнинг иложи бўлмаяпти. Аксинча, вазият издан чиқиб, хатарнинг тобора кенгроқ тарқалиш хавфи келиб чиқмоқда. Бу эса, биринчи навбатда, минтақамиз мамлакатларига жиддий таҳдиддир.

Президентлар томонидан қабул қилинган мурожаатномада БМТ, ЕХҲТ, Ислом конференцияси ташкилоти, шунингдек, БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси бўлган мамлакатлар ўз таъсирини ўтказиб, афғон муаммосини тезроқ ва адолатли ҳал қилишга чақиришади. Шу ўринда саммит якунида ўтказилган матбуот анжуманида ЎзА мухбирининг шу масаладаги саволига Ислом Каримов қайтарган жавобга тўхталмоқ жоиз. Мамлакатимиз раҳбари мазкур ташкилот ва давлатларнинг халқаро миқёсдаги бу муаммога етарлича эътибор қаратмаётганини алоҳида таъкидлади.

— Бу борадаги саъй-ҳаракатлар бизни қониқтирмайди,— деди, жумладан, Ислом Каримов.— Чунки бугунги кунда афғон можароси маҳаллий ёки минтақавий эмас, жаҳоншумул муаммога айланган. Афғонистонда тайёргарликдан ўтган террорчилар дунёнинг турли бурчакларида қўпорувчилик содир этаётир. Бу ерда илдиз отган наркобизнес қўплаб мамлакатларга вабо каби тарқалмоқда.

15 июнь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифи бошланди. Мамлакатимиз раҳбарининг бу қўшни давлатга илк бор бораётган мазкур мақомдаги ташрифи ҳақида гапиришдан олдин 14 июнь оқшомида рўй берган ҳаяжонли воқеага тўхталиб ўтиш жоиз. Шу куни Душанбедаги «Кохи Борбад» санъат саройида Ислом Каримовнинг Тожикистонга расмий ташрифига бағишлаб, Ўзбекистон ва Тожикистон санъат усталарининг катта концерти ўтказилди. Тўпланганлар саройга кириб келган икки мамлакат президентларини самимий олқишлар билан кутиб олди. Залда ҳукм сурган ҳаяжон ва кўтаринкиликда тожик халқининг юртбошимизга бўлган улкан ҳурмат ва муҳаббатини кўриш қийин эмасди.

Тадбирнинг энг ҳаяжонли қисми конерт якунида юз берди. Президентлар саҳнага кўтарилди. Имомали Раҳмонов мамлакатимиз раҳбарини тожик заминига ташрифи билан қутлар экан, Ислом Каримовни тожик халқининг «нури дийдан тожи сари», яъни бошидаги тожи ва кўзидаги нуридир, деб атади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президентига сўз берилди. Мамлакатимиз раҳбарининг, биз Тожикистонни ўз муаммолари гирдобида ташлаб қўймаймиз, биз сиз билан доим бирга бўламиз, деган сўзлари аҳли Тожикистонни ҳаяжонга солди. Кўзларда қувонч ёшлари қалқди. Ҳатто, Имомали Раҳмонов ҳам ўз ҳаяжонини зўрга босиб тургани кўриниб турарди. Ўзбекистон Президентининг қардош мамлакат фуқаролари билан бундай самимий учрашувлари тожик халқи Ислом Каримовнинг Душанбега ташрифини қанчалик интиқлик билан кутганини намоён этди.

Энди ташрифнинг расмий қисми ҳақида. Дастлаб, дастурда кўзда тутилганидек, Ўзбекистон ва Тожикистон президентларининг икка-икка суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатларимиз ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий алоқаларнинг бугунги аҳволи, минтақавий муаммолар ҳамда икки давлат учун муҳим бўлган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мамлакатларимиз истиқлолга эришгач, уларнинг тақдири турлича кечди. Жумладан, Ўзбекистон мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб, ўз тараққиёт йўлини белгилаш, мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий аҳволини яхшилаш ҳаракатида бўлган эса, Тожикистон фуқаролар уруши гирдобида қолди. Бу эса тожик халқи бошига мисли кўрилмаган кулфатлар келтирди. Бироқ Тожикистон халқи бу муаммони ҳал қилишга муваффақ бўлди — миллий тотувликка эришилиб, аҳоли турмуши ҳам маромига туша бошлади. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичи айнан шу даврга тўғри келади. Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, сиёсий алоқаларда сезиларли ўзгаришлар юз бера бошлади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ортди.

Жараёнларнинг бундай тез суръатда ривожлана бориши эса томонларни ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга чорламоқда. Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегацияларининг тор доирадаги ва кенгайтирилган таркибдаги музокараларида асосий диққат-эътибор айнан мана шу ҳамкорлик йўналишларини белгилаб олишга қаратилди. Музокараларда ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириш, бунинг учун тегишли ҳуқуқий асослар яратиш, барча соҳалардаги мавжуд ҳамкорлик кўламини кенгайтириш каби масалалар муҳокама қилинди.

Музокаралар сўнггида томонлар Абадий дўстлик, жиноятчиларни ўзаро топшириш тўғрисидаги шартномалар, чегараларни делимитация қилиш ҳақидаги меморандум, ҳуқуқий ахборот алмашиш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик борасида битимлар имзолади.

(Давоми 2-бетда).

● МОЛОДЫЕ ОФИЦЕРЫ — БУДУЩЕЕ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ

Удача улыбается умелым

Всем известно, что в этом году в военных училищах страны выпуск офицеров состоялся ранее обычного, и молодые лейтенанты по прибытии в подразделения сдавали контрольную проверку за зимний период обучения.

Для многих из них это стало отличным поводом для оправдания первых неудач — мол, кто-то всю зиму не работал, а мне отвечать приходится. Вот уж осенью покажу, на что способен.

А вот выпускник СВВАКИУ 2000 года лейтенант Жонибек Худайбердыев не стал ждать так долго. Огневая группа под его командованием сразу заняла место в числе лучших в артиллерийской части.



В чем же секрет успеха? Первым, к кому я обратился с этим вопросом, был командир части подполковник Жалолиддин Атабуллаев.

— Я пока не могу делать серьезных выводов насчет талантов молодого лейтенанта, — улыбнулся он. — Хотя хорошая база знаний у него есть, как не отнять и огромного трудолюбия и желания учиться. Однако при всем том краеугольным камнем успеха считаю тщательную работу офицеров батареи с командирами орудий, заместителями командиров групп.

Лейтенанту Ж. Худайбердыеву пришлось начинать не на пустом месте и не в одиночку, — а опираясь на помощь младших командиров. Таких, например, как командир орудия младший сержант Абдусалом Джаббаров, — по итогам контрольных стрельб за умелое управление огнем своего расчета он был награжден именными часами от командования части. Или старший наводчик орудия рядовой Нодир Искандаров: парень из Китаба снискал уважение в родном воинском коллективе благодаря меткому огню пушки-гаубицы, поражавшей цели на больших расстояниях.

Конечно, это отнюдь не означает того, что молодой офицер просто пожинал плоды чужого труда — даже за небольшой промежуток времени до проверки он успел сделать немало для повышения огневой выучки подчиненных. Так, под его контролем санинструктор группы рядовой Руслан Матчанов стал осваивать работу на приборах управления огнем, а номер расчета рядовой Хамза Халиков обучился профессии наводчика орудия. Молодой офицер четко претворяет в жизнь главный принцип — полная взаимозаменяемость в расчетах.

Командир группы и сам не стесняется учиться некоторым элементам практической работы у отличных воинов — таких, как старший радиотелефонист рядовой Умид Юлдашев, номера расчета Алимардон Холмирзаев и Омон Хусинов. Кстати, последнего называют мастером своей воинской специальности.

Хорошо понимая, что для работы у орудия требуется немало силы и выносливости, артиллеристы в часы досуга подолгу и с удовольствием тренируются на спортивных снарядах, бегают кроссы. Уже упомянутый рядовой Хамза Халиков, занимавшийся до армии таэквондо, взялся обучать сослуживцев секретам этого вида восточных единоборств.

И везде — на огневом рубеже ли, на спортплощадке или дистанции кросса, в учебном классе — командир группы стремится внимательно отслеживать вклад каждого члена коллектива, выделяя отличившихся и отдельно работая с отстающими. Например, в ходе подготовки техники к летнему периоду обучения лучше всех показал себя водитель рядовой Мансур Махсудов — ему перед строем была объявлена благодарность. В том же подготовительном периоде на сборах сержантов лучшие знания и навыки проявил командир орудия младший сержант Юсуф Эльмурадов — к нему домой в Термез отправлено благодарственное письмо.

Побеседовав с солдатами и сержантами, убедился в том, что воины очень серьезно настроены закрепить достигнутый успех, удержать звание лучшей группы. Однако и их соперники по соревнованию в батарее — воины огневой группы под командованием младшего лейтенанта Шухрата Каримова — очень сильно хотят взять реванш. Шухрата тоже не назовешь новичком в артиллерии — до присвоения первого офицерского звания служил здесь же по контракту на должности старшины батареи.

Словом, с первых же дней летнего периода обучения развернулась упорнейшая борьба за первенство. В каждом элементе боевой учебы — будь то строевая, общественно-политическая, огневая подготовка, действия по сигналам учебной тревоги, несение службы в карауле или внутренем наряде — обе огневые группы идут вровень, добиваясь высоких показателей. Соперничество силы множит, а выступающему в роли строгих арбитров командованию батареи и части важно, чтобы победил лучший. Именно тогда растет общий уровень боевой выучки личного состава.

Майор А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

САЙЁРАМИЗ АДОСИ

БМТ жазо чораси жорий қилган тақдирда ҳам Руанда Конго демократик республикасидан қўшинларини олиб чиқиб кетмайди. Хавфсизлигимиз кафолатланмас экан, ҳарбийларимиз у ерни тарк этмайди, деди Руанда ташқи ишлар вазири Сет Каманзи.

ТОКИО. Япония Бош вазири Иосиро Мори Шимолий ва Жанубий Корея раҳбарларининг Пхеньян учрашувида қабул қилинган қўшма декларацияни тарихий ҳужжат, деб баҳолади. Унинг айтишича, декларация Корея яримороли давлатларининг бирлашишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, мазкур саммит натижалари Япония билан КХДР ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатиш борасида ўтказилаётган музокараларни янада фаоллаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз, деди Бош вазир.

ДУБЛИН. Ракета ҳужумига қарши мудофаа тизимларини такомиллаштиришлик бўйича 1972 йилда қабул қилинган шартноманинг барча бандлари кучини сақлаб қолиши лозим, деди Ирландия Ташқи ишлар вазири Брайан Коуэн. У мамлакат парламентида сўзга чиқиб, АҚШ ва Россия ушбу масала юзасидан ҳамон музокара ўтказаётганини айтди ва бундай мулоқотлар шартнома кучининг пасайишига олиб келмаслигига умид билдирди.

ВАШИНГТОН. АҚШ президенти Билл Клинтон Фаластин маъмурияти раҳбари Ясир Арафот билан учрашди. Томонлар Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш, Исроил билан Фаластин ўртасидаги қарама-қаршликларни тинч йўл билан ҳал қилиш, хусусан, Исроил ҳарбийларининг Иордан дарёси гарбий қирғоғидан чиқарилиши ва мустақил Фаластин давлатига асос солиш билан боғлиқ кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашди. Ё. Арафот Исроилни тинчлик музокараларини оқсатаётганликда айблади.

МОСКВА. Чеченистондаги жангариларнинг асосий қисми яқин икки ой ичида йўқ қилинади. Россия қуролли кучлари Бош штаби раҳбарининг биринчи ўринбосари Валерий Манилов журналистларга шундай деди. Шунингдек, у ўлкада барқарорликни тиклаш учун икки йил керак бўлишини айтди.

СИДНЕЙ. Австралия ташқи ишлар вазири Александер Даунер икки Корея раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви натижаларини юқори баҳолади. Ушбу саммит нафақат Корея яримороли, балки бутун Осиё—Тинч океани минтақаси хавфсизлигини таъминлашда катта аҳамиятга эга, деди у.

ИСЛОМОБОД. Индонезия президенти Абдураҳмон Воҳиднинг Покистонга расмий ташрифи бошланди. У мамлакат президенти Рафиқ Тарор ва ҳукумат раҳбари Парвоз Мушарраф билан музокара ўтказади. Учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар, минтақавий ҳамда халқаро муаммолар муҳокама қилинади.

СЕУЛ. АҚШ ҳали Корея республикасида ўз ҳарбийларини сақлаб туради, деди Пентагон вакили Кеннет Бейкон. Унинг айтишича, икки Корея раҳбарларининг Пхеньянда бўлиб ўтган учрашувида яримороллаги АҚШ ҳарбийлари сонини кискартириш масаласи узил-кесил ҳал қилингани йўқ. Бу масаланинг қандай ечим топиши бўлажак музокараларга боғлиқ. **(ЎзА).**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ ТАБРИГИ

2000 йилнинг 18 июнида Ўзбекистонда тиббиёт ходимлари куни нишонланади. Шифокорлик ҳар доим ва ҳар жойда энг инсонпарвар, зарур ва эзгу касблардан бири бўлиб келган.

Мамлакатимизда миллат саломатлигини сақлашга, соғлиқни сақлаш тизимининг замон талабларига жавоб беришига улкан эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти — Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони И. Каримовнинг ташаббуси билан жорий йилнинг Соғлом авлод йили, деб номланиши ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Ҳарбий тиббиёт ходимлари касалликларнинг олдини олиш, ҳарбий хизматчиларнинг саломатлигини сақлаш, тиббиёт илмини тараққий топтириш бўйича масъулиятли вазифаларни сифатли ва юксак касб маҳорати билан бажаришмоқда. Улар ўзларининг бор билим, тажриба ва инсоний қалб ҳароратини бу олижаноб ишга бахшида этиб, қўшилмалар ва қисмларнинг жанговар шайлигини юксак даражада сақлаб туришга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Мудофаа вазирлигининг тиббиёт ходимларини касб байрамлари билан чин қалбимдан табриклайман. Уларга соғлиқ-саломатлик, бахт, мустақил Ўзбекистон ва унинг Қуролли Кучлари равнақи йўлидаги олижаноб меҳнатларида муваффақиятлар тилайман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИ генерал-лейтенант Ю. АҒЗАМОВ.

ПОЗДРАВЛЕНИЕ МИНИСТРА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

18 июня 2000 года в Узбекистане отмечается День медицинских работников. Профессия врача всегда и везде являлась самой гуманной, необходимой и почитаемой.

В нашей стране уделяется огромное внимание сохранению здоровья нации, поддержанию здравоохранения на современном уровне. Ярким свидетельством тому является объявление по инициативе Президента Республики Узбекистан — Верховного Главнокомандующего Вооруженными Силами И. Каримова нынешнего года — Годом здорового поколения.

С высоким профессионализмом и качеством выполняют ответственные задачи по профилактике заболеваний, сохранению здоровья военнослужащих, развитию медицинской науки и военные медики. Все свои знания, опыт и тепло человеческой души они отдают этому благородному делу и тем самым вносят достойный вклад в поддержание высокой боеготовности соединений и частей.

От всей души поздравляю медицинских работников Министерства обороны с профессиональным праздником. Желаю доброго здоровья, счастья и успехов в благородном труде на благо независимого Узбекистана и его Вооруженных Сил.

МИНИСТР ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН генерал-лейтенант Ю. АГЗАМОВ.

ИСПЫТАНИЕ ПОЛИГОНОМ

С первых же дней летней боевой учебы прибывшие к нам новобранцы только и говорят о предстоящем полевом выходе. Впрочем, чего скрывать — и нам, воинам старших призывов, уже однажды прошедшим испытание полигоном, хочется вновь проверить себя.

Осенью минувшего года я был призван в ряды Вооруженных Сил и назначен на должность водителя-заряжающего в артиллерийское подразделение. Командир батареи лейтенант Кобил Ураимжонов и командир расчета младший сержант Досбол Сарсенбаев вложили немало труда в мое солдатское становление.

Венцом общих усилий личного состава батареи стал тогда весенний выезд на полигон, где в ходе боевых стрельб нам довелось на практике проверить полученные знания и навыки.

Вот и сейчас, усиленно занимаясь по всем предметам боевой учебы, мы с нетерпением ждем очередного выезда на стрельбы — для новобранцев это будет первым «боевым крещением», а нам представится возможность покорения новых вершин ратного мастерства. Готовимся со всей серьезностью, чтобы не подвести командиров, показать огневую мощь орудий.

Рядовой А. МАРДИЕВ.

● ОБУНА-2000

«Ватанпарвар» газетаси мушторийларига!

Маълумки, вақтли нашрларнинг, шу жумладан, сенимли газетамиз «Ватанпарвар»нинг ҳам иккинчи ярим йиллигига обуна давом этмоқда. Эслатиб ўтамиз, «Ватанпарвар» газетасининг иккинчи ярим йиллиги учун обуна баҳоси қуйидагича белгиланган:

— Тошкент шаҳри учун:
а) ҳарбий қисм манзилига
1 ойга — 365 сўм;
3 ойга — 1095;
6 ойга — 2190,
б) уй манзилига
1 ойга — 495 сўм;
3 ойга — 1485;
6 ойга — 2970.
— Тошкент вилояти учун:
а) ҳарбий қисм манзилига
1 ойга — 368 сўм;
3 ойга — 1164;
6 ойга — 2328
б) уй манзилига;
1 ойга — 419-60 сўм;
3 ойга — 1250-80;
6 ойга — 2517-60.

Азиз мушторийлар! Айримларингиз Республикада ягона бўлган бу сенимли ҳарбий нашрингизнинг 6 ойга обуна бўлиб, узингизга қизиқтирган кўплаб маълумотлардан мақола ва лавҳаларимиз орқали бохабар бўлдингиз. Йилнинг иккинчи ярмида ҳам биз билан бирга бўлишингизга, қадрдон газетангизга содиқ қолишингизга қатъий ишонамиз. Шуни айтиш лозимки, обуна баҳоси Республика вилоятларининг ҳар бирида алоҳида қилиб белгиланган. Газетамизнинг обуна баҳоси ҳақида қўшимча маълумотларни маҳаллий почта бўлимларидан ёки обунага қабул қилиш пунктларидан билиб олишингиз мумкин. «Ватанпарвар» газетасига обунани (индекс 114. 115) «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компаниясининг маҳаллий почта бўлимлари ёки бевосита нашриётнинг обуна бўлимида ҳужжатлаштириш мумкин. Обуна нашриётда ҳужжатлаштирилганда обуна ташкилотчиси икки нусхадаги буюртма, тўлдирилган абонементлар ва етказиб бериш карточкалари, пул ёки уларни нашриёт ҳисоб рақамига ўтказилганлиги тўғрисидаги банк кўрсатмасини почта орқали юбориши ёки обуна бўлимига шахсан келтириши керак.

Ҳисоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Тошкент шаҳар бошкармасининг ҳисоб касса маркази орқали амалга оширилади.

Ҳисоб счёти рақами — 21506000200447031001, банк коди (МФО) — 00014, идентификация рақами — 201088604.

ТАҲРИРИЯТ.

ЎЗАРО ИШОНЧ—САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК АСОСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Улар орасида икки мамлакат ўртасидаги Абадий дўстлик ҳақидаги шартнома, айниқса, алоҳида эътиборга молик. Ўзбек ва тожик халқлари дўстлиги минг йилларга бориб тақалади ва бу биродарлик кўп синовларга бардош берган. Икки халқ яхши-ёмон кунларини бирга кечирган. Ислом Каримов матбуот анжуманида таъкидлаганидек, Абадий дўстлик ҳақидаги ҳужжат аслида, бизнинг минг йиллар билан ўлчанадиган қардошлигимизнинг расмийлаштирилиши бўлди.

Айни пайтда Ўзбекистон раҳбари имзоланаётган ҳужжатларнинг сонини кўпайтиришдан ҳам кўра, уларнинг ижросини таъминлаш муҳимлигини таъкидлади. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг ривожида томонларнинг бир-бирига ўзаро ишончи ўта муҳимдир, деди Юртбошимиз. Таъкидламоқ керакки, бугун Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида шундай мустаҳкам ишонч бор. Бу эса алоқаларимизнинг истиқболи порлоқ эканидан далолатдир.

Мамлакатимиз раҳбарининг Душанбе шаҳри зиёлилари ва жамоатчилиги билан учрашуви ҳам жуда ҳаяжонли ўтди. Имомали Раҳмонов Ислом Каримовнинг Тожикистонда тинчлик ўрнатиш йўлида кўрсатган улкан хизматлари тўғрисида гапирди. Жумладан, бир неча йил бурун, мамлакатда биродаркушлик уруши авж олган пайтда Кўлоб шаҳри саккиз ой иқтисодий қамалда қолиб кетган эди. Шаҳардаги ун заводи олдида бир парча нон илинжида юрган ўнлаб одамлар очдан ўлганди. Ана шундай аянчли шароитда Ўзбекистон, унинг бағрикенг раҳбари ёрдамга келди. Термиздан ун ортилган вертолётлар Кўлобга тинимсиз қатнаганн, аҳли Кўлоб Ислом Каримовга соғлиқ-омонлик ва узоқ умр тилаб парвардигорга илтижолар қилгани ҳали ёдимизда, деди И. Раҳмонов.

— Ислом Каримовнинг Тожикистон халқига кўрсатган бундай ёрдамлари ҳақида яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин, — деди Тожикистон раҳбари. — Биз бу саховатпешаликни, жўмардликни ҳеч қачон унутмаймиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Тожикистон Республикасига буюрган илк расмий, ҳатто бемалол тарихий деб аташ мумкин бўлган ташрифи жуда кўтаринки ва самимий руҳда ўтди. У айни пайтда, томонлар алоҳида таъкидлаганидек, самарали ҳам бўлди.

Анвар КАРИМОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Душанбе — Тошкент.

УЛУҒ АДИБНИ ХОТИРЛАБ

Шу кунларда мамлакатимиз адабий жамоатчилиги ўзбек адабиётининг забардаст вакили Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 95 йиллигини кенг нишонламоқда. Ана шу муносабат билан жойларда адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган кечалар, мушоиралар учрашувлар ўтказилаётир.

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида ҳам ана шундай тадбир бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу анжуманда таниқли адабиётшунослар, олимлар ва тарихчилар, ёзувчининг кўпдан-кўп мухлислари қатнашди.

Анжуманда сўзга чиққан таниқли адиблар Саид Аҳмад, Абдулла Орипов, адабиётшунос олимлар Матёқуб Қўшжонов, Умарали Норматов ва бошқалар устоз Ойбекнинг халқимиз тарихи, орзу ва умидларга тўла ҳаёти акс эттирилган юксак бадиий асарлари, адабий-танқидий ва тарихий рисолалари бугун ҳам ёшларни ватанпарварлик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилаётганини таъкидладилар. Адибнинг ҳаёти ва ижоди тўғрисидаги ўз хотираларидан сўзлаб бердилар.

Ойбек шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар байрамга алоҳида файз бахш этди.

Адабий тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими У. Мирзақулов улкан адиб қадами теккан, ажойиб асарларини битган сўлим гўша — Бўстонлиқда бундай тадбирлар анъанавий бўлиб қолишини айтди.

Н. ДУШАЕВ,
ЎзА мухбири.

ҚАТЪИЯТЛИ ВА ШИЖОАТЛИ ЖАНГЧИ

Аскар учун, умуман, ҳарбий киши учун қатъиятли ва шижоатли бўлиш жуда муҳим жиҳатдир. Чунки ҳарбий иш ҳар дақиқада мард, жасур ва матонатли бўлиш билан бирга, қатъиятлиликни ва шижоатлиликни ҳам талаб этади. Қай бир инсонда ушбу фазилатлар мужассам экан, у Ватанининг довюрак ва маҳоратли ҳимоячиси бўла олади. Сурхондарёлик снайперчи оддий аскар Собир Дадаев мисолида ҳам бу фикримизни изоҳлашимиз мумкин.

Ёшлигидан қўрқув билмас, бир сўзли, бошлаган ишини охирига етказмай қўймайдиган бўлиб камол топган Собир ҳарбий либос кийгач, ҳарб илмини пухта эгаллашни ўз олдига қатъий мақсад қилиб қўйди ва ярим йил ичида бунга эришди. Бугунги кунда у ўзига ишониб топширилган жанговар қуролдан моҳирона фойдаланиш сирларини аъло даражада билади. Бироқ, у бу билан чекланиб қолаётгани йўқ. Ижтимоий-сиёсий, жисмоний, тактик ва бошқа тайёргарликлар бўйича ҳам юқори натижаларга эришиб келмоқда.

— Ўтган мавсум ўқув машғулотларининг якуний синовларида юксак кўрсаткичларни қўлга киритиб, барча командирларим олқишини олишга мушарраф бўлдим. Бундан жуда-жуда мамнунман. Ҳозирда қизғин давом этаётган ёзги ўқув мавсумини ҳам фақат аъло баҳолар билан якунлаш ниятида бор ўқув ва маҳоратимни ишга солиб ҳаракат қилаяпман. Ишончим комилки, ўз мақсадимга албатта эришаман. Бундай қатъий ишонч билан айтишимнинг асосий боиси — бизга талабчан ва тажрибали офицерларнинг командирлик қилишаётганида, — дейди оддий аскар С. Дадаев.

Снайперчи йигитнинг сўзларига нима ҳам қўшимча қила олардик. Фақат айтадиган гапимиз битта: унинг қалбдаги қатъиятлилик ва шижоатлилик чўғи, Ватанга садоқат туйғуси яна-да мустаҳкамланиб бораверсин.

Подполковник
Х. ЖУМАНАЗАРОВ.

Суратда: снайперчи оддий аскар Собир Дадаев.
Д. ХОЛЛИЕВ олган сурат.

САФДОШЛАРИНИ ХУРСАНД ҚИЛМОҚДА

Сурхондарёлик оддий аскар Нарзулла Тўраевнинг хизмат қилаётганига ярим йилдан кўпроқ вақт бўлди. У хизматининг илк кунлариданоқ ўзининг ишчанлиги ва яхши хулқи билан сафдошлари орасида кўзга туша бошлади. Қисм раҳбарияти масъулиятли аскарга катта ишонч билдириб, газета-журналларни ва аскарлар номига келадиган хатларни олиб келиб тарқатишни унга топширди. Нарзулла зиммасига юклатилган бу ишни ҳам, хизмат вазифасини ҳам аъло даражада бажармоқда.

Аскарлар учун ота-оналаридан, қариндошлари, дўстларидан келган хуш-хабарлар қандай аҳамиятга эга эканлиги ҳаммамизга маълум. Бундай хабарларни ўз эгаларига чаққонлик билан етказиб бераётган Нарзуллани кўрганда сафдошлари ҳазиллашиб, «почтальон», деб мурожаат қилишади.

— Биз оддий аскар Нарзулла Тўраевга бу ишни топшириб, хато қилмадик. У мазкур вазифани яхши бажариб, жамоада обрў топаяпти, — дейди командирнинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари капитан Б. Аллаёров.

Шартнома бўйича
хизмат старшинаси
О. АРЗИЕВ.
Нукус гарнизони.

◆

Тўғриси, Азамат Муҳамедов ҳарбий хизматга «йигитлик бурчимни ўтаб келай-чи, у ёғи бир гап бўлар» деган ўй-хаёл билан келганди. Аммо уйдаги гап армияга тўғри келмади. Ёш, билагидан куч ёғилиб турган йигитни аскарлик ҳаёти бир неча ой ичида ўзига бутунлай ром қилиб қўйди. Жисмонан, руҳан чиниқиш машқлари, дала-ўқув машғулотлари уни янада toблади, кучига куч, ғурурига ғурур қўшди. Ватан, халқ олдидаги масъулиятни яқиндан ҳис қила бошлади. Одоб-ахлоқли интизомли аскар тез орада сафдошлари, командирларининг ҳурматини қозонди. Ниҳоят, муддатли ҳарбий хизмат ҳам ниҳоясига етди. Аммо у аскарлик либосини ечмади. Шартнома бўйича хизматга қолди. Кундан кунга, ойдан ойга маҳоратини оширишга интилди.

Ҳа, интилганнинг иши ўнг экан. Хизматда эришган муваффақиятлари учун икки йил олдин унга прапоршчик унвонини беришди. Айни кунларда у станция бошлиғи лавозимини юксак талаблар даражасида уддаламоқда.

Д. ХОЛЛИЕВ суратга олган.

● ФВВ ТУЗИЛМАЛАРИДА

ҚУТҚАРУВЧИЛАР КУЧ СИНАШДИ

Маълумки, қутқарувчилик энг машаққатли ва мураккаб касблардан бири бўлиб, бу соҳадагилар ҳар қандай шароитда — сув тошқини, ер қўчкиси, ёки техноген ҳамда табиий офатлар, қўйингки, инсонлар ҳаётига зарар етказиши мумкин бўлган барча ҳодисалар рўй берганда фуқароларга ёрдам беришга шай туришлари лозим. Бунинг учун энг аввало касбий маҳорат, жисмоний ва руҳий тайёргарлик бобида чиниқиш зарур.

Республикамизнинг гўзал шаҳарларидан бири бўлмиш Наманганда Фавқулодда вазиятлар вазирлиги тизимидаги қутқарувчи тузилмаларнинг биринчи республика мусобақалари бўлиб ўтди. Беллашув чоғида мамлакатимиз қутқарувчи тузилмалари вакиллари, қанчалар тажриба, куч ва иродага эга эканликларини намоён қилдилар.

Қорақалпоғистон республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан келган 18 жамоа вакиллари кўп қаватли уйлар, маъмурий бинолардан жабрланганларни махсус аркон ва бошқа воситалар ёрдамида зудлик билан хавфсиз жойларга олиб тушиш ҳамда тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ўқув минорасининг 4-қаватини нарвон ёрдамида ишғол этиш, 100 метр масофага тўсиқлар оша югуриш, темир панжарани арра билан кесиш ва қутқарувчилар эстафетасидан иборат тўрт босқичли мусобақада икки кун давомида қизғин кураш олиб бордилар.

Юқори қаватдаги хонадондан шартли жабрланувчини қутқариш бўйича Қашқадарё вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси вакиллари ҳаммадан чаққон эканликларини кўрсатдилар. Салкам 1.5 минут вақт ичида улар жуда қийин ва мураккаб вазифани уддаладилар. Кейинги босқич мусобақалари ҳам қутқарув тизими ходимларини жиддий синовдан ўтказди. 100 метр масофага тўсиқлар оша югуриш ва темир панжарани арра ёрдамида кесиш шартини бажаришда Самарқанд вилояти жамоаси юқори натижага эришди.

Умумжамоа ҳисобида Наманган вилояти фавқулодда вазиятлар бошқармаси вакиллари ғолиб чиқишди ва бош соврин — «Дамас» автомобили билан тақдирландилар. Самарқанд вилояти қутқарувчилари жамоаси иккинчи, Қорақалпоғистон Республикаси вакиллари эса учинчи ўринни эгаллашди. Беллашувларда алоҳида ўрнак кўрсатган иштирокчилар ва жамоаларга мусобақа ташкилотчилари томонидан эсдалик совғалар ҳамда дипломлар топширилди.

Умуман, биринчи маротаба республика миқёсида ўтказилган мусобақа вазирлик тизими ходимларининг жасур ва мард, эпчил, чаққон бўлишларида, ҳар қандай кутилмаган вазиятни бартараф этиш, шунингдек, ёшларнинг махсус спорт турларини ўрганишида ўзига хос кўрик ва малака ошириш мактаби ролини ўтади.

Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги ходими
майор М. ИКРОМОВ.

ПОЛГОДА — ПОЗАДИ

Всего полгода назад у меня были самые приблизительные представления об армии. Но стоило мне надеть военную форму и влиться в воинский коллектив — и все изменилось.

Теперь позади полгода службы в учебном подразделении. Что они мне дали? Прежде всего бесценный опыт мужского становления, высокую квалификацию связиста, а главное — уверенность в себе, в своих силах. Сейчас я продолжаю службу в авиационной части и твердо настроен служить еще лучше. Ведь обеспечивать полеты грозной авиационной техники — это и честь, и большая ответственность.

Рядовой С. ШОИСМАТОВ.

ДЎСТЛАР ОРТТИРДИМ

Армияни ҳаёт мактаби, деб бежиз айтишмас экан. Мен аскар бўлгач, кўп нарсанинг фарқини англаб ета бошладим. Биринчи навбатда, ота-онам қадрини билдим. Уларнинг мен учун нечоғли куюнчак ва ғамхўр эканликларини англаб етдим.

Ҳақиқий Ватан ҳимоячиси бўлиш билан бирга, бу ерда кўплаб қадрдон дўстлар ҳам орттирдим. Аминманки, бизнинг бу дўстлигимиз армиядан кейин ҳам узоқ йиллар давом этади.

Оддий аскар
Ж. ТОЖИБОЕВ.

● ОПЫТ ВОСПИТАТЕЛЬНОЙ РАБОТЫ

ПРОЯВЛЯЯ ИНИЦИАТИВУ И СТАРАНИЕ

В подразделении, где заместителем командира по работе с личным составом служит лейтенант А. Дусматов, часто заходит разговор о романтике службы, о воинской доблести, верности Военной присяге. С этой целью проводятся лекции, беседы, организуются встречи с участниками войны 1941—1945 гг., ветеранами Вооруженных Сил.

— Проводимые в подразделении мероприятия не проходят бесследно,— говорит лейтенант А. Дусматов.— Каждый воин стремится быть не только физически закаленным, но и отлично владеть вверенной ему боевой техникой. И не случайно у нас с первых дней летнего периода обучения серьезное внимание уделяется специальной и технической подготовкам.

Работа по мобилизации личного состава на отличное владение техникой и оружием ведется здесь по нескольким направлениям. Это, в первую очередь, обеспечение примерности всех воинов в технической подготовке. Далее — борьба за высокое качество занятий и рациональное использование учебного времени, оказание помощи сержантам в повышении их специальных навыков, забота о совершенствовании учебно-материальной базы.

Высокие требования предъявляются к младшим командирам — сержантам. Большое внимание уделяется их учебе. Свои знания и навыки они углубляют на инструкторско-методических и показных занятиях, где им передается опыт лучших.

Целеустремленно, с огоньком работает сержант В. Давлятов. Он сам показывает пример в учебе и дисциплине. Не только держит воинов в курсе очередных задач, но и стремится так организовать работу, чтобы она была тесно связана с жизнью подразделения в целом.

Сам сержант В. Давлятов постоянно разъясняет подчиненным значение предстоящего занятия. Организует выступления лучших специалистов с обменом опыта. В результате таких усилий учебные задачи выполняются на хорошо и отлично.

— Весной к нам в часть прибыло новое пополнение, — говорит лейтенант А. Дусматов,— в том числе и в наше подразделение. И первый учебный день мы начали показом техники и оружия. Любовь к военному делу мы стараемся прививать военнослужащим с первого дня их прихода в армию и осуществляем в процессе всей службы. Так вот, в тот день наши офицеры, сержанты, отличники учебы и классные специалисты рассказали новичкам о боевых свойствах и технических данных машин и оборудования, а затем показали их в действии. И надо было видеть, как загорелись у них глаза. Уверен, что у каждого из них появились уверенность в силе и мощи боевой техники, желание быстрее освоить ее! Впрочем, дальнейшие дни боевой учебы показали, что это так и есть на самом деле. Большинство новобранцев уверенно постигают науку побеждать.

Впрочем, командный состав этого подразделения с первых дней учебы заботится, чтобы каждое занятие по технической подготовке носило воспитательный характер, развивало чувство гордости за нашу технику, мобилизовало воинов на ее глубокое изучение.

А показателем уровня боевой подготовки воина, как известно, является его классная квалификация. Она свидетельствует о высоком уровне знаний солдата, его умении обслуживать и эксплуатировать технику в любых условиях.

— На занятиях, тренировках, тактических учениях,— говорит один из лучших специалистов подразделения рядовой Д. Мурадов,— мы приобретаем и закрепляем знания, необходимые для получения, подтверждения и повышения классной квалификации. Так, при подготовке к вождению машин наши командиры разъясняют нам требования курса, условия и правила вождения, готовят нас к тщательной отработке всех элементов. А с целью популяризации опыта лучших специалистов организуются выступления мастеров вождения, которые дают сослуживцам полезные советы по отработке предстоящих упражнений. Такая кропотливая работа приносит ощутимые плоды. Растет в подразделении число классных специалистов.

Перед выездом на полевые занятия командир подразделения, его заместители инструктируют младших командиров, советуют им, как лучше разъяснить условия и правила вождения, обеспечить высококачественное проведение тренировок.

— В процессе подготовки и проведения занятий,— говорит сержант М. Умурзаков,— наши командиры сосредоточивают усилия личного состава на строгом соблюдении дисциплины, организованности, правил вождения и мер безопасности, предотвращают послабления и упрощения в учебе. Особое внимание обращают на умение солдат правильно эксплуатировать и сберегать технику, устранять неисправности в полевых условиях.

Вот так, день за днем идет боевая учеба. Личный состав добивается непрерывного роста военно-технических знаний. А важным условием этого роста, как здесь считают, является сознательность воина. Ведь солдат, хорошо понимающий всю сложность стоящих перед коллективом задач, необходимость постоянной боевой готовности, старательно овладевает военным делом. Именно сознательное отношение к выполнению конституционного долга порождает у воинов любовь к оружию и боевой технике, стремление мастерски овладеть ими.

С. БУДАЕВ.

СИЛЬНЫЕ ДУХОМ И ТЕЛОМ

Минувший период обучения личный состав взвода, где заместителем командира взвода является старший сержант Р. Усманов, завершил с хорошими показателями по физической подготовке.

В подразделении сумели добиться того, чтобы каждый военнослужащий считал свое физическое совершенствование одной из основных задач. И многие осознали, что без крепких мускулов нелегко будет управляться с техникой.

Настойчивые тренировки под руководством старшего сержанта Усманова окупились сторицею. Рядовые Р. Юлдашев, И. Рахмонов, С. Абдуллаев стали в коллективе своеобразными запевалами большинства спортивных мероприятий. Отличились они на первом занятии в летнем периоде обучения. В этот день солдаты во главе со своим командиром сумели доказать сослуживцам, что и брусья, и полоса препятствий, и дистанция кросса закаленному воину покоряются при любых условиях.

Рядовой С. ЮСУПОВ.

● В ЗАПИСНУЮ КНИЖКУ КОМАНДИРА

ТОЧНО В ЦЕЛЬ

Личный состав мотострелковой группы должен наступать с полным напряжением сил, огнем и решительной атакой в тесном взаимодействии с соседними группами и подразделениями других родов войск уничтожать противника и решать поставленную перед ним боевую задачу.

Наличие противотанковых средств — ручного противотанкового гранатомета, БМП и ручных противотанковых гранат — позволяет военнослужащим уничтожать танки и другие бронированные цели. Высокий темп огня обеспечивает в короткие сроки сосредоточение его по наиболее важным, а при необходимости и по нескольким целям.

Теперь об особенностях ведения огня из стрелкового оружия на ходу по наземным целям. Огонь по неподвижным (появляющимся) и движущимся целям с места и с коротких остановок при стрельбе через бойницы боевой машины пехоты (бронетранспортера) ведется по правилам, применяемым при ведении огня в пешем порядке.

Так, ведение огня из БМП (БТР) с ходу имеет следующие особенности. Из-за значительных колебаний оружия в движении стрелок практически не в состоянии сколько-нибудь продолжительное время удерживать оружие наведенным на цель.

Поэтому наиболее целесообразно вести огонь не длинными, а короткими очередями. При этом обязательно учитывать поправку на движение машины.

При стрельбе через бойницы правого борта БМП (БТР) точка прицеливания выносится вправо, а при стрельбе через бойницы левого борта — влево от цели.

Во время флангового движения машины (при ведении огня под углом около 90° к направлению движения) со скоростью 10 км/час при стрельбе из автомата и пулемета по неподвижным (появляющимся) целям на каждые 100 м дальности стрельбы точка прицеливания выносится примерно на одну фигуру. При стрельбе под углом 45° к направлению движения своей машины поправка уменьшается в два раза.

Стрельба с ходу по одиночным целям ведется короткими, а по групповым целям — длинными очередями. При стрельбе в условиях ограниченной видимости (ночью, в туман и т. д.), если наблюдение за положением трасс (местом падения) пуль у цели невозможно определить, то после одной—трех очередей точку прицеливания по направлению следует выносить на 2—5 тысячных вправо или влево и по высоте изменить предельную марку на 100—200 м в большую и меньшую сторону. Очень важно при стрельбе с ходу не медлить с открытием огня, когда линия прицеливания совмещена с целью.

Огонь из БМП (БТР) ведется с постоянной установкой прицела. Точка прицеливания выбирается на уровне нижнего края цели, что позволяет использовать для поражения цели рикошеты.

В отдельных случаях поверх борта БМП (БТР) возможна стрельба из ручного противотанкового гранатомета. При этом его ствол направляется так, чтобы истекающие назад газы были направлены поверху боевой машины. Чтобы огонь отделения из БМП (БТР) был организованным, каждый солдат должен заранее занять свое место.

Теперь несколько слов об особенностях стрельбы из стрелкового оружия на ходу по воздушным целям (парашютисты, вертолеты и самолеты — преимущественно транспортные, — парашюты осветительных авиабомб, снарядов и мин). Стрельба по самолетам и вертолетам ведется, как правило, в составе подразделений. При этом используются сопроводительный и заградительный способы: огонь ведется на дальности до 500 м с установкой прицела 3 или «П».

Сопроводительный способ стрельбы применяется по медленно летящим вертолетам и самолетам (со скоростью менее 500 км/час), а также по парашютистам. При его применении удерживается линия прицеливания нужного упреждения. Сопроводительный способ требует выноса точки прицеливания в фигурах цели, стрелять целесообразно длинными очередями.

Упреждение при стрельбе по парашютистам определяется скоростью их снижения (в среднем 6 м/сек.) на дальность стрельбы 500 м. Время полета пули — 1 сек. Упреждение составит 6 м, т. е. четыре фигуры. Стрельба по парашютистам ведется длинными очередями.

Заградительный способ стрельбы целесообразно применять по самолетам, летящим со скоростью свыше 500 км/час. Впереди по курсу цели ставится неподвижная зона заградительного сосредоточенного огня с таким расчетом, чтобы обеспечить встречу цели со скопом траекторий пуль.

При фланговом или косом движении цели огонь целесообразно сосредоточивать в направлении полета самолета над ближайшим к нему ориентиром. Неподвижная зона сосредоточенного огня ставится в течение 2—3 сек.

Стрельба по пикирующим самолетам наиболее эффективна, так как угловое перемещение цели при этом незначительное. Огонь ведется непрерывный, с корректированием по трассам. Наводка производится в головную часть самолета с прицелом 3 («П») или чаще по наблюдению трасс без использования прицельных приспособлений. В этом случае огонь открывается с дальности 700—900 м.

Подготовил
В. НИКОЛАЕВ.

Ҳарбий-сиёсий янгиликлар

АЙҒОҚЧИЛИКДА АЙБЛАДИ

Ироқ ҳукумати АҚШ ва Буюк Британия ҳарбий самолётларини айғоқчиликда айблади. Мамлакат мудофаа вазирлиги вакилининг айтишича, мазкур давлатлар самолётлари Ироқ авиацияси учун тақиқланмаган ҳудуд, яъни Бағдод осмонида парвоз қилмоқда. Пентагон вакиллари эса бу айбловни рад этиб, самолётларни аниқлаш мақсадида пароммавий қирғин қуролларини ривоз қилганини айтди.

НИҲОЯТ НУҚТА ҚЎЙИЛАДИ

Ниҳоят Камбожа ва Таиланд ўртасидаги чегара муаммосига нуқта қўйиладиган бўлди. Ушбу муаммо бўйича ўзаро келишиб олиш учун Таиланд Бош вазири Чуан Ликпай Пномпенга ташриф буюрди ҳамда Камбожа Бош вазири Хун Сен билан мулоқот ўтказди. Музокаралар якунида икки давлат ўртасида чегарани демаркация қилиш тўғрисида битим имзоланди.

ТОМОНЛАР КЕЛИШУВИ

Грециянинг террорчиликка қарши кураш муассасаси аъзолари махсус тайёргарлик босқичини ўташ учун Буюк Британияга келди. Томонлар Афинада Буюк Британия элчихонаси ҳарбий атташеси Стефен Сандерсга суиқасд уюштирилганидан сўнг шундай келишувга эришган эди.

ХАЙРИХОҲЛИГИНИ БИЛДИРДИ

Президент Саддам Ҳусайн Яқин Шарқни оммавий қирғин қуролларидан холи ҳудудга айлантириш ғоясига хайрихоҳлигини ва бу борадаги халқаро ҳужжатга имзо чекишга тайёрлигини билдирди. Ироқ раҳбари бунинг учун Исроил ҳам шундай қарорга келиши ва оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш ҳақидаги ҳужжатларга биринчи бўлиб имзо чекиши лозимлигини айтди.

Айни пайтда жаҳон ҳамжамияти Бағдодни оммавий қирғин қуролларини яширишда айбламоқда. Ироқ ҳукумати эса 1991 йилги Форс кўрфазидаги можародан кейин бундай қуролларни йўқ қилганини таъкидлаб келади.

ДАВЛАТ РАҲБАРИ ТАКЛИФИ

Покистон раҳбари Парвез Мушарраф Ҳиндистонга мурожаат қилиб, оддий ва ядровий қуролларни ишлатишдан тийилиш ҳақида битим имзолашни таклиф қилди. Маҳаллий кузатувчилар ушбу таклифни минтақада ядровий уруш хавфини бартараф этиш борасидаги биринчи ташаббус сифатида баҳоламоқда.

Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлиги вакилининг айтишича, П. Мушаррафнинг бу таклифи атрофлича ўрганиб чиқилади.

УРУШ ҲАМОН ТУХТАМАЯПТИ

Эфиопия билан Эритрея ўртасидаги уруш ҳамон давом этмоқда. Хабарларга қараганда, Эфиопия қўшинлари шиддатли жанглар натижасида Эритреяга тегишли бўлган Тэсэнэй шаҳрини қўлга киритган. Бу шаҳар Эритрея учун муҳим стратегик аҳамиятга эга эди.

ТЕКШИРУВ БОШЛАНДИ

БМТ Хавфсизлик кенгашининг илтимосига биноан, Бангладеш ҳукумати мамлакат тижорат банкларидаги «Толибон» ҳаракатига тегишли ҳисоб рақамларини аниқлаш мақсадида текширув ишларини бошлади. Хабарларга қараганда, «Толибон»нинг ушбу мамлакат банкларидаги маблағлари Жанубий Осиё минтақаси ва Ҳиндистондаги экстремистик тўдаларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиши мумкин.

Шунингдек, Бангладеш ҳукумати Даккада Усама бин Лодин маблағи ҳисобига чоп этилаётган «Жаго мужоҳид» ҳафталик газетасини ёпиб қўйди.

ВАКИЛНИНГ МАЪЛУМОТИ

Афғонистондаги Шимолий иттифоқ қўшинлари толиблар назорати остидаги Чағчарон шаҳрини эгаллади. Альянс вакилининг айтишича, шаҳар жиддий қаршиликсиз қўлга киритилган. Бу эса толибларнинг ҳарбий қудратига путур етаётганидан даракдир.

Матбуот материаллари асосида тайёрланди.

„АЛБАТТА ҲАМШИРА БЎЛАМАН!“

Раънохонинг бахтли болалигига аввалдан озор етган. Дадасининг тўрт мучаси соғ — Москва Давлат Университетини муваффақиятли тугатиб, шодон юрган онларини кўрмади, билмади. Дунёга келганида сулинган тоғи, беш йиллик урушдан ўпкасида ўқ парчаси билан қайтиб келган Мансур ака ногирон, оғриқазобдан пастки лабларини тишлаб қўярди. Шунинг учун ўксиб-ўксиб, ғамга, ғамгиниликка шерик бўлиб ўсди.

Ўқ барибир ўқлигини қиларкан. Ўқ парчасини машҳур жарроҳ, академик Воҳидов ўпканинг бир бўлаги билан олиб ташлади. Ўшанда Раънохон эндигина 10 ёшга тўлган эди. Аммо оғриқларга врачу ҳамшираларнинг муолажалари, уларнинг ширин сўзлари малҳам бўлганлигини англаб етди. Нораста юрагида илк орзу, умид уйғонди: «Албатта ҳамшира бўламан!»

Яхши гапга фаришталар омин, деган экан. У 8-синфни битказиб, Охунбобоев номидаги республика тиббиёт билим юртига ўқишга кирди. Кечаси эса болалар шифохонасида ишлай бошлади. Мақсади — бир ёки икки эмас, балки уч сменада фабрикада ишлаб, эрини, уч ўғил, уч қизини боқаётган онаси Зуҳра опанинг оғирини сал бўлса-да енгиллаштириш эди.

Ҳа, Раънохон меҳнатдан оғринмади, ўқишни ҳам сусайтирмади. У биринчи маош олганда, имтиёзли диплом билан уйга кириб келганда адажониси, ойижонисининг қандай севинганлари, кўзга ёш олганлари ҳамон эсида.

Турмуш қийинчиликларини, меҳнатнинг нони ширинлигини тенгдошларига нисбатан эртароқ англаб етгани учунми, қаерда ишламасин, меҳнатсеварлиги, беморларга меҳрибонлиги билан ҳурмат қозонди у.

Йиллар ўтиб, уч фарзанднинг онаси бўлди. Турмуш ўртоғи Ўткиржон қурувчи-муҳандис бўлиб хизмат қиларди. Назарида, барча қийинчиликлар ортда қолгандек эди, гўё. Аммо... ғам-аламлар ҳали тугамаган экан. Оиланинг паноҳи 39 ёшда касалланиб, вафот этди. Бошига худди осмон ағдарилгандек бўлди. Оиланинг, рўзғорнинг зил-замбил юки нозик елкасига тушди. Аламини ишдан олди. Кўп-кўп ишлади. Фтизиатрия ва пульмонология институти реанимация бўлимида узоқ йиллар ишлаб, қанчадан қанча беморларнинг оёққа туришига сабабчи бўлди. Ҳалол меҳнатлари туфайли бош ҳамшираликка тайинланди.

Тажрибали мутахассис дея уни ҳарбий қисмга хизматга таклиф қилишганда иккиланиб ўтирмади. Бош ҳамшира сифатида фаолият кўрсата бошлади. Кунларнинг бирида қисм тиббиёт пунктида кўргазмали машғулот ўтказилди. Айни шу машғулотга юксак даражада тайёргарлик кўрилгани Раънохон опанинг янада масъулиятли хизматга жўнатилишига сабабчи бўлган эди, аслида.

Мана, Раънохон Очилова олти йилдан бери Марказий ҳарбий госпиталда бош ҳамшира лавозимида ҳалол хизмат қилиб келмоқда. Албатта, ўнлаб бўлимнинг юзлаб ҳамшираларига бошчилик қилиш, уларнинг ҳар бири юрагига йўл топиш осон эмас. Бу одамдан катта маҳорат, тажриба талаб қилади. Бу нарсалар эса мақоламиз қаҳрамонида етарли. Тўғри, кўпчилик ҳамширалар опани хизмат юзасидан ўта қаттиққўл, деб ўйлаши аниқ. Аммо, унинг вақти келса ёшига қарамасдан бир дугонадек, опа-сингилдек гаплашиб кетишини ҳам жуда яхши билишади, улар.

Раънохон опанинг яна бир яхши хислати бор. Айниқса, байрам ёки тантанали кунларда унинг катта ташкилотчилиги, куюнчаклиги ёрқин намоён бўлади. Бу менинг ишим эмас, бу менинг лавозимимга тўғри келмайди, демайди у. Зарур ишми, тамом, тезроқ уни битказишни ўйлайди.

Кўпинча қаҳрамонимизни ёш ҳамширалар даврасида учратиш мумкин. Сабаби, у имкон топди дегунча уларга одоб-ахлоқ, беморлар, касбдошлар билан қандай муомала қилиш тўғрисида гапиришни, насиҳат қилишни зарурат, деб билади. Ширин сўз — маънавий муолажа эканлигини қайта-қайта таъкидлайди.

Госпиталда опа бошчилигида яна бир ажойиб тизим фаолият кўрсатмоқда. Бу энг тажрибали ҳамширалардан ташкил топган етти кишилик ҳамширалар кенгашидир. Кенгаш раисга бўлимлардаги тозаликни, белгиланган муолажаларнинг амалга оширилишини, дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотларининг беморларга ўз вақтида етиб боришини, уларнинг сифати, ишлатилиш муддатини назорат қилишда энг яқин кўмакдош. Бундан ташқари унинг аъзолари ҳамшираларга мунтазам амалий ёрдам, йўл-йўриқлар кўрсатади, махсус тайёргарлик машғулотлари ва илмий конференцияларни ўтказишга бош-қош бўлади.

Мен 36 йилдан бери шифокор—ҳамшира бўлиб хизмат қилиб келаётган опа билан суҳбатлашар эканман, унинг ўз соҳаси, касби тўғрисида кўп йиллар давомида шаклланиб улгурган хулосалари билан қизиқаман.

— Тиббиёт соҳасида қийинчиликлардан қочадиган одам ишлай олмайди. Фақат ўз касбининг фидойиларигина, беморлар дардини ўз дарди деб биладиганларгина эгнига оқ либос кияди, унга муносиб бўлади, доғ туширмайди, — дейди опа куюнчаклик билан.

Опанинг бўш вақти деярли йўқ ҳисоби, дам олиш пайтларида малакасини оширишга, тиббиёт соҳасига оид адабиётлар, газета ва журналларни кўпроқ ўқишга ҳаракат қилади. Унга хизматдан ташқарида яна бир жамоатчилик вазифасини юклаб қўйишган: у маҳалла хотин-қизлар кенгашининг раиси. Хуллас, зерикишга вақти йўқ.

Ҳа, айтганча, раҳматли Ўткир акадан ёдгор фарзандлар аллақачон ўз йўлини топиб, ўзидан кўпайишган. Шаҳлохон — ўқитувчи, Азизжон — тадбиркор, Адҳамжон эса халқаро тоифадаги спорт устаси. Эркин кураш бўйича Осиё чемпиони, жаҳон биринчилигида уч марта кумуш медални қўлга киритган. Онасига ўхшаб меҳнатдан қочмайди. Ҳозирги кунда Сиднейда бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларига жиддий ҳозирлик кўрмоқда.

Опа ва 84 ёшли Зуҳра буви ҳар куни «Илоё, ўғлим ўзбекнинг шарафини муносиб ҳимоя қилсин, қўша-қўша олтин медалларни қўлга киритсин, юртимиз тинч, Ватанимиз посбонлари доим соғ-саломат бўлсин», дея такрор-такрор дуо қилишади. Бу дуолар фарзандлари, юрти тинчлиги, хотиржамлигини ҳар нарсадан устун қўядиган, ҳаёт қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтадиган мунис оналарнинг эзгу тилакларига, орзуларига қўшилиб кетади...

Капитан А. УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

«ҲАМШИРА-2000»

ЗУККО ҚИЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ҳар бир касб ўз ўрнида фидойилик талаб қилади. Айниқса, шифокорларнинг бемор ҳаётини сақлаш борасидаги заҳматини барча касб эгаларининг фидойилигидан-да устун қўйишга ҳақлимиз. Жонкуяр врачларимиз кўрсатмаларини сидқидилдан бажариб, беморни оёққа турғазиш йўлида тунларни тонгга улаган ҳамшира қизларимиздан ўзини қарздор, деб билган инсонлар эса ҳаётда кўплаб учрайди.

18 июнь — Тиббиёт ходимлари куни. Мана шу қувончли кун олдидан Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий госпиталида «Энг яхши ҳамшира» деб номланган беллашув бўлиб ўтди. Бу баҳсда ҳарбий шифохонанинг беш нафар гўзал ва зукко, ўз касбининг билимдон ҳамшира қизлари — Виктория Мироненко (реанимация бўлими), Людмила Баранукина (гинекология бўлими), Гулнора Очилова (физиотерапия бўлими), Татьяна Колишева (стоматология бўлими), Муниса Сулаймонова (рентгенология бўлими)лар беш йўналишдаги шартлар бўйича иштирок этишди. Қатнашувчилар мусиқали табрик, ўз бўлинмаларига чизилган тимсолларни таърифлаш, жароҳатни боғлаш, махсус тест саволлари ва эркин мавзуда ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Госпиталь бошлиғининг ўринбосари подполковник Адҳам Қодиров бошчилигидаги ҳайъат аъзолари беллашув давомида ҳамшираларнинг ҳар бир чиқишларини одилона баҳолаб боришди.

Мусобақадош қизларнинг барчаси ҳам ўз касбининг устаси ва ҳаётда ўз ўрнига эга эканлигини кўрсатиб, қатнашчиларнинг олқишларига сазовор бўлишди. Физиотерапия бўлими ҳамшираси Гулнора Очилованинг миллий урф-одатларимиз, либосларимиз, яъни миллий қадриятларимизни унутмаган ҳолда бу йилги «Соғлом авлод йили»ни ўз чиқишларида акс эттириши қатнашчиларда, айниқса, катта таассурот қолдирди. У бешик тебратиб момоларимиз алласини айтар экан, йиғилганлар гўёки, шу алла бағрига сингиб кетишди.

Беллашув давомида таниқли хонандалар — Равшан Намозов, Нодир Лутфуллаев ва Исроил Саидмуродовлар ижросидаги дилрабо қўшиқлар, госпиталь тиббиёт отряди аскарлари тайёрлаган кичик томошалар барчага байрамона кўтаринкилик бағишлади.

Ҳамшира қизлар беллашувида ғолиблик рентгенология бўлими ҳамшираси Муниса Сулаймоновага насиб этди. Кўзлари қувончдан порлаб турган Мунисани суҳбатга тортдим.

— Мени бундай юқори натижага эришишимда бўлимимиз врач ва ҳамшираларининг ёрдами катта бўлди. Айниқса, ангиография бўлими бошлиғи подполковник Николай Осиповдан жуда миннатдорман.

Беллашув сўнгида госпиталь бошлиғи полковник Таваккал Хўжаев ғолиб ва қатнашчиларни табриклаб, эсдалик совғалар тақдим этди ва «Энг яхши ҳамшира» беллашувини ўтказишда фаол қатнашган барча ташкилотчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

З. ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

СОҒ ПОСБОН—ТОҒ ПОСБОН

Шахсий таркибнинг соғлиги унинг барча фаолиятига бориб тақалади. Жанговар шайликнинг пойдевори мустаҳкам соғликка боғлиқ. Соғ посбон соғ ҳаракат қилади, соғ фикрлайди. Машаққатларни енгиб ўтиш соғлом одам учун бирор муаммо келтириб чиқармайди. Соғлом одам учун мураккаб тушунчаларни илғаб олиш осон кечади. Қисқача айтганда, соғлик ютуқларга етакловчи куч, қувонч асоси.

— Бизнинг асосий вазифамиз, — дейди Навоий гарнизони госпитали бошлиғи тиббий хизмат майори Баҳодир Зайниддинов, — шахсий таркибнинг соғлигини мунтазам назорат қилиб туриш, дардга чалинганларни тезда даволаб, яна жанговар сафга қайтаришдир.

Биз аскар хизматга келган биринчи кундан у билан учрашамиз. Соғлиги қандай ҳолатда эканлиги бу ерга келгунча текшириб кўрилган бўлса-да, биз яна бир марта кўрикдан ўтказамиз. Ҳар бир аскарнинг соғлиги қандай даражада эканлигини аниқлаймиз, ўз хулосамизни командир ва бошлиқларга етказамиз. Бу жуда муҳим. Чунки аскарда унинг соғлигидан келиб ёндошилмаса, кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқиши мумкин-да.

Соғ посбон — тоғ посбон, дейишимиз мумкин. У билан ҳар қандай жисмоний, назарий машғулотларни ўтказиш мумкин.

Мақтанга йўйманг-у, шу чоққача бизнинг гарнизонда шахсий таркибнинг соғлиги билан боғлиқ муаммолар юзага келгани йўқ. Келмасин ҳам, илоё.

Шу гапларни айтиб бўлгач, тиббий хизмат майори Баҳодир Зайниддинов мени госпиталь ҳудуди томон бошлади. Мевали, мевасиз дарахтлар, хушбўй ҳид таратиб турган турли хил гуллар. Йўлаклар равон, тоза, бирорта ортиқча нарсани кўрмайсиз. Ҳатто чиқиндилар ташланадиган идишлар ҳам ялтираб турибди. Майсалар бир текисда барқ уриб ўсаяпти. Шифо масканига номига монанд.

Беморлар даволанаётган хоналарни ҳам кўздан кечирдик. Ҳамма нарса тартибли, жой-жойида, озода.

— Госпиталимиз юз кишига мўлжалланган, — дея гапга тушди яна тиббий хизмат майори. — Беморларни даволаш учун зарур бўлган барча асбоб-ускуналар, дори-дармонлар етарли.

Қаршимиздан устида оқ халат, юришлари дадил, нигоҳлари ўткир шифокор чиқди.

— Бу киши жарроҳлик бўлими бошлиғи тиббий хизмат капитани Рустам Жумаев бўладилар.

— Сизга соғлик тилайман, ўртоқ майор!

— Саломат бўлинг! Жарроҳлик бўлимидаги беморларнинг аҳволи қандай?

— Аҳволлари яхши. Оғир беморларимиз йўқ. Кўричак бўлганлар, енгил тан жароҳати олганлар бор. Даволаяпмиз, тезда жанговар сафга қўшилишади.

Госпиталдаги аҳволни кўриб роса қувондим. Бу ерда яхши шароит, малакали мутахассислар, яхши муҳит мавжуд экан. Буларнинг бари бошлиқнинг юқори раҳбарлик қобилияти борлигига бориб тақалади.

— Барча ходимларимиздан кўнглим тўқ, — деди мамнун тиббий хизмат майори Б. Зайниддинов. — Ҳаммаси яхши билимга эга мутахассислар. Шундай бўлса-да, жарроҳлик бўлими катта ординатор жарроҳи тиббий хизмат капитани Сераг Қорабоев, юқумли касалликлар бўлими бошлиғи тиббий хизмат катта лейтенанти Иброҳим Мирзаалиев, катта ҳамшира хизматчи Гулзода Елтаева, лаборатория бўлимининг катта ҳамшираси хизматчи Мая Мирзаеваларнинг хизматларини алоҳида таъкидламоқчиман.

Тиббиёт ходимлари куни билан барча ҳарбий шифокорларимизни чин дилдан табриклайман. Соғлик-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайман.

— Бизнинг ҳам ният шу.

Майор А. ОБРУЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ҚУРИК-ТАНЛОВ УТКАЗИЛДИ

Нукус гарнизони ҳарбий госпиталида Тиббиёт ходимлари куни олдидан «Ҳамшира-2000» кўрик-танлови ўтказилди. Танловни ҳарбий госпиталь бошлиғи подполковник Э. Ражабов очди ва йиғилганларни Тиббиёт ходимлари куни билан табриклаб, кўрик иштирокчиларига омад тилади.

Танлов тўрт босқичдан иборат бўлиб, иштирокчилар ўз маҳоратларини кўрсатишди. Режага биноан беморларга тиббий тез ёрдам кўрсатиш, жумладан оёқ ва қўли синган, бошидан жароҳат олган, кимёвий моддалар билан заҳарланганларга кўмак бериш, қон кетишини тўхтатиш ва тест саволларига жавоб қайтариш бўйича ҳар хил машқларни бажаришди.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига биноан Тери касалликлари бўлими катта ҳамшираси Серегул Сейтмуратова энг кўп балл тўплаб, ғолиб чиқди ва йилнинг «Энг яхши ҳамшираси» номига эга бўлди.

Кўрик якунида Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўмондони Б. Тошматов танлов ғолиби ва иштирокчиларни самимий қутлади ҳамда уларга эсдалик совғалар топширди. Сўнгра прапорщик О. Собиров бошчилигидаги ҳарбий ансамбль концерт дастурини намойиш этди.

Шартнома бўйича хизмат старшинаси О. АРЗИЕВ.

ИХ ЗАБОТА—ЗДОРОВЬЕ ВОИНОВ

В воинском коллективе части, где начальником медслужбы капитан Муйдин Мирзарахимов, большое внимание уделяют охране здоровья военнослужащих. Одними из тех, кто вносит весомый вклад в это благородное дело, являются медсестры медпункта Манзура Атажанова и Манзура Рахимова.

Обе подруги принимают активное и самое непосредственное участие в оздоровительных мероприятиях, проводимых командованием и медицинской службой части, в том числе в беседах о мерах предупреждения инфекционных заболеваний, о соблюдении правил санитарии и личной гигиены. Да и в тех редких случаях, когда кому-то потребуется медицинская помощь, именно заботливые женские руки сделают все, чтобы боль отступила.

— С наступлением жаркого лета самое пристальное внимание уделяем обеспечению воинов кипяченой питьевой водой, — рассказывает начальник медслужбы капитан М. Мирзарахимов. — Сам процесс боевой учебы так организован командованием, что ни одно подразделение не может выехать на полигон без осмотра медиками. Проверяем не только здоровье воинов, но и наличие у каждого фляги с запасом воды. Вот и на специально оборудованных пунктах кипячения чая из верблюжьей колючки медсестры ежедневно берут пробы изготовляемых напитков на пригодность к употреблению.

Прачечная, столовая, другие объекты тыла — везде успевают строгие и аккуратные медицинские работники, твердо помня о том, что вспышку инфекции может вызвать любая недоработка или неряшливость в деле обслуживания солдат. Не забывают и про казармы, следя за соответствием условий отдыха в расположениях требованиям санитарных норм.

Помимо бесед о здоровье с солдатами и сержантами, медики уделяют немало времени инструктажу и офицерского состава по этим же вопросам. Например, с открытием летнего сезона довели до военнослужащих меры безопасности при купании в открытых водоемах.

Самоотверженно трудятся на охране здоровья воинов медицинские сестры медпункта, две подруги Манзуры — Атажанова и Рахимова, внося свой скромный вклад в укрепление обороноспособности независимого Узбекистана.

Майор А. КАМАЛОВ,
корр. «Ватанпарвара».

ЧЕҲРАНГИЗДАН НУР ЁҒИЛАР, ШИФОКОРЛАР

Эринибгина кўзингизни очасиз. Аллақачон тонг отган бўлишига қарамай, яна бирпас мизғиб олай дейсиз. Негаки, бугун якшанба — дам олиш куни. Андак рўзғор ташвишларини инобатга олмасак, кун сизнинг ихтиёрингизда. Ишингиз билан боғлиқ масъулият юкидан бугунча ҳолисиз. Аммо шундай соҳа вакиллари борки, улар учун якшанба деган гап йўқ. Масалан, ҳайдовчиларни ёки тинчлигимиз, осойишталигимиз посбонларини олинг. Бу рўйхатни давом эттириш мумкин. Аммо гапни мухтасар қилиб, ана шундай масъулиятли соҳа вакиллари бўлган шифокорлар ҳақида сўз юритсак. Иссиқ жон, касаллик шанба, якшанбани танлаб ўтирмайди. Тобингиз қочиб қолса, дарҳол тез ёрдамни чақирасиз ёки касалхонага борасиз. Аниқ билисизки, дам олиш куни бўлишига қарамай, саломатлик посбонлари ўз постларида туришади.

Шуни хаёлдан ўтказганча, якшанба куни Ватан ҳимоячиларига шифо бериладиган тиббиёт қисмларидан бирида бўлдим. «Бошлиғи бўлмаса-да, навбатчи ўтиргандир. Ўша билан тиббиёт қисмини кўздан кечирармиз», дейман ўзимга-ўзим. Муҳбир халқи бироз синчков бўлади. Шу боис тиббиёт қисмига яқинлашар эканман, аввало унинг теварак-атрофини кўздан кечираман. Бораверишда — қисм шифохонасининг олдида, аниқроғи чап тарафида анвойи гуллар экилган. Ранг-баранг гуллар хушбўйлиги билан ифор таратиб турибди. Ўнг тарафда эса дид билан бунёд этилган мўъжаз фонтан. Унинг ёнида аскарлар ҳордиқ чиқариб, суҳбатлашиб ўтиришибди. Атрофнинг ободлиги нафақат беморларнинг, балки ҳар қандай ташриф буюрувчининг ҳам баҳри дилини очади. Бу манзарани кўриб, кун иссиқлиги ва йўл чарчоғидан ҳосил бўлган ланжлик ҳам бирпасда тарқаб кетди.

Кўтаринки кайфият билан посбонлар шифохонаси — тиббиёт қисмига кираман. Тиббий пункт бўйича навбатчидан сўраб билдимки, қисм тиббиёт хизматининг бошлиғи ҳам шу ерда экан. Рухсат сўраб, бошлиқнинг хонасига кирдим. Ўрта бўй, эгнига оппоқ халат кийиб олган шифокор менга пешвоз чиқиб, ўтиришга жой кўрсатди. Танишиб олдик — у тиббий хизмат капитани Бахтиёр Қосимов экан.

Мутахассислиги — хирург. 1995 йилдан ҳарбий соҳада. Дастлаб тиббий пункт бошлиғи лавозимида хизматини бошлаган. 1998 йилнинг мартидан қисм тиббиёт хизматининг бошлиғи ҳисобланади.

— Келинг, аввало тиббиёт қисмини бир кўздан кечирайлик. Ўзингиз унга холис баҳо берарсиз, — дея шифохонани айланиб чиқишимизни таклиф қилди капитан Б. Қосимов.

Яқинда таъмирдан чиққан шифохонадаги амбулатория, стоматология, муолажа, физиотерапия, лаборатория, функционал диагностика бўлимларини, дорихона ва 20 ўринли лазаретни бир-бир кузатиб чиқдик. Зарур асбоб-ускуналар етарли. Бир сўз билан айтганда, замонавий талабларга жавоб беради.

— Бундай шифохонада ишлашнинг ўзига хос гашти бор-да! Шу боис ҳам якшанбада кунни шу ерда ўтказаяпсиз-а, ўртоқ капитан? — дейман унга ҳазил аралаш.

Нимага шаъма қилаётганимни Бахтиёр ака дарҳол тушунди.

— Касбимиз шунақа. Беморлардан бирров хабар олмасам кўнглим тинчимайди. Касаллик дам олиш кунини тушунмайди.

Шифохонанинг талаб даражасида жиҳозланганини, таъмирланганига қараб, ундаги иш жараёнига баҳо бериб бўлмайди, албатта. Муҳими, бу муҳташам даволов масканида ким ишлаётганида. Ходимлар билан суҳбатлашиб, мазкур даргоҳда ўз касбининг усталари, фидойилари хизмат қилаётганини англаб етаман. Масалан, дорихона бошлиғи, Қуролли Кучлар хизматчиси Галина Навроцкаяни олайлик. Маълум бўлишича, у 28 йилдан бери тиббиёт қисмида ишлаб келаркан.

Яна бир фидойи инсон, етук мутахассис тиббий қисм фельдшери прапорщик Тамара Каферниг хизматлари ҳам таҳсинга лойиқ. 18 йилдирки, Тамара Николаевна мазкур даргоҳда.

— Ана шундай фидойи шифокорлар билан ишлаш кишига улкан куч-қувват бахш этар экан, — дейди тиббий хизмат капитани Б. Қосимов.

Шу ўринда тиббий қисмга яқинда келган ёш мутахассислар ҳақида ҳам бироз тўхталмасак бўлмас. Масалан, Қуролли Кучлар хизматчиси стоматолог Шуҳратжон Умаровни олайлик. Одатда кишилар тиш докторига мурожаат қилишга чўчишади. Аммо Шуҳратжонга беморлар бемалол мурожаат этишади. Қўли енгилда. Ёки гуруҳ фельдшери тиббий хизмат старшинаси Алишер Назарқуловни олинг. Ўз касбига садоқатли бундай инсонлар ширин каломлари билан ҳам Ватан ҳимоячилари дардига дармон бўлиб келишмоқда.

Табобат — энг олижаноб санъатдир, деган экан Гиппократ. Мен бу ерда шифокорлар билан суҳбатлашиб туриб, бунга яна бир бор амин бўламан. Айтиш лозимки, яна бир ҳақиқатга иқрор бўлиб қайтдим, бу масканда. Шифокорнинг, таъбир жоиз бўлса, шифохонанинг очиқ чеҳраси беморнинг соғая бошлаши дегани экан.

Катта лейтенант
А. САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

ОДИН ДЕНЬ НА КАФЕДРЕ

ФОТОРЕПОРТАЖ

Военная кафедра Ташкентского педиатрического медицинского института по итогам последней проверки признана одной из лучших. В этом можно наглядно убедиться, побывав в учебных классах и аудиториях, там, где сегодня готовят офицеров запаса, которые, в случае необходимости, смогут руководить работой медицинских пунктов воинских частей.

Небольшой сплоченный коллектив единомышленников плодотворно трудится над подготовкой качественного резерва военных медиков.

— Ни один день пребывания на кафедре не должен пройти бесследно, — сказал при встрече начальник кафедры подполковник медицинской службы Абдували Ажимуратов (на правом нижнем снимке). — Ежедневно каждому студенту выставляется оценка, которая затем заносится в компьютер.

Главный упор на кафедре делают на практические занятия. Для этого есть все необходимое: специализированные классы, электрофицированные стенды и макеты, учебные фильмы. А главное — высококвалифицированные преподаватели, обладающие большим опытом службы. Полковник запаса Абдумумин Каюмов, к примеру, 38 лет отслужил в Вооруженных Силах. Ему есть чем поделиться с новым поколением узбекистанских военных медиков.

Большой вклад в обучение студентов вносят старший преподаватель подполковник Юрий Лебедев, преподаватели Хуснуддин Ганиев, Татьяна Маликова и Тайдыгуль Алимбаева. Умеет найти подход к каждому обучаемому старший преподаватель курса военной токсикологии майор медицинской службы Туракул Рахматов. Проводимые им занятия (на правом снимке) проходят на высоком научном и методическом уровне.

С 1974 года кафедра подготовила немало офицеров, многие избрали в дальнейшем профессию военного медика. В различных частях и медицинских учреждениях Министерства обороны успешно проходят службу военные медики подполковник Ахмат Джаббаров, майоры Хайрулла Убоев, Бахром Муродов, Хамза Файзиев, капитан Изатулла Сулейманходжаев и другие выпускники ТашПМИ.

А как относятся к перспективе посвятить себя военной службе современные студенты? Кстати, среди обучающихся на военной кафедре и немало девушек.

В этот день группа студентов готовилась к сдаче очередных экзаменов (на снимке слева), и мы задали им этот вопрос.

— Учиться на военной кафедре нелегко, — признался студент четвертого курса Алишер Джурабаев, — но я лично считаю, что мне очень повезло и с кафедрой, и с преподавателями. Сегодня, когда наша республика уверенно идет по пути независимости, каждый ее гражданин обязан думать о ее защите в нынешнем неспокойном мире. Если потребуется, я и мои товарищи готовы применить полученные знания в реальной боевой обстановке.

Покидая военную кафедру Ташкентского педиатрического медицинского института, еще раз всматривались в лица этих юношей и девушек, посвятивших свою жизнь лечению детей и с охотой осваивающих военное дело. Здесь каждый понимает: счастье и здоровье будущего поколения граждан независимого Узбекистана может быть гарантировано только мощью и высокой профессиональной подготовкой его Вооруженных Сил.

В. НИКОЛАЕВ.
Фото Д. ХАЛЛИЕВА.

● ОПЫТ КУЛЬТУРНО-ДОСУГОВОЙ РАБОТЫ

Воспитывать книгами

Библиотека Центрального Дома офицеров — уникальное хранилище художественных произведений мировой культуры.

Само здание Центрального Дома офицеров было построено в 1885 году. Прошел век, на пороге новое тысячелетие, прошумели бури, революции и войны, а наш культурный очаг продолжает «сеять разумное, доброе, вечное».

В 2000 году, объявленном у нас в республике «Соглом авлод йили», в библиотеке проводятся массовые мероприятия с привлечением военнослужащих столичного гарнизона, посвященные этому событию. Особое внимание уделяется выставкам. Таким, как выставки-просмотры «Ёш авлод манфаати йулида», выставки-обзоры по материалам периодической печати и новинкам литературы «Соглом аскар — юрт таянчи», «Оила — соглом авлод гарови», «Молодежь без наркотиков в XXI век». Эти выставки меняются практически каждые две недели и отражают как в зеркале наше стремительно бегущее время.

Накануне Международного дня защиты детей сотрудники нашей библиотеки провели устный журнал под названием «Соглом авлод — халкимиз келажаги». Это одна из страничек, посвященных этой теме. Зачастую такие обзоры перерастают в беседы о литературе. Кроме того, в просторном читальном зале можно познакомиться с содержанием свежих газет и журналов, с тематическими папками по актуальным темам современной жизни нашей республики, ее истории, Вооруженных Сил.

В республике с первых дней независимости взят курс на усиление внимания к вопросам воспитания здорового поколения. В этом году, естественно, все эти вопросы повсеместно становятся во главу угла.

Так, 3 июня в Колонном зале Центрального Дома офицеров состоялся праздник, посвященный Международному дню защиты детей, организованный сотрудниками ЦДО для детей военнослужащих. Программа была очень разнообразной и интересной — всевозможные конкурсы с участием артистов театра «Лабирус» и Центрального ансамбля песни и танца Министерства обороны. Показали свое мастерство юные танцоры кружка бального танца при Центральном Доме офицеров. Восторг у детей и их родителей вызвал конкурс детского рисунка «Мир глазами детей».

Затем наиболее активные участники праздника, юные книголюбы были приглашены в библиотеку, где была развернута красочно оформленная книжно-иллюстративная выставка с новинками детской литературы и проведена небольшая беседа о книгах. Все это способствует нравственному совершенствованию детей, получению ими новых знаний и умений, их духовному росту.

А. СЛЮСАРЕНКО,
библиограф библиотеки Центрального Дома офицеров.

● БУЮК ҚИШИЛАР ҲАЁТИДАН

ҚАЙСИ ОЙБЕК?

Ойбек ака янги асар устида ишлаётганда жуда ҳаёлчан бўлиб қоларди. Бир марта кўришган одам билан кўзи тушиб қолса, яна кўришаверарди.

Домла Союз деворий газетасининг 1 май сонида: «Ойбек янги романини тугатиш арафасида» деган ахборотни ўқиб турибди:

— Ойбек? Қайси Ойбек, оббо гўдайган-е,— деб юборди.

Шундан кейин ҳуши ўзига келиб, деворий газетага, кечиракан-да, деб, залга кириб кетди.

БЕЛИМДАН ЮҚОРИСИ ИШЛАМАЯПТИ

Союзда мажлис бўладиган эди. Ойбек ва Ғафур Ғулом учрашиб қолишди.

— Ғофир,— деди Ойбек.— Мажлисга кирасан-а? Бир кўп масалалар бор.

— Мазам йўқ,— деди Ғафур ака.

— Ия, нима бўлди, ўртоқ?

Ғафур ака чап кўкрагини кўрсатиб, шу ерим қаттиқ оғриб турипти, деди.

Бироздан кейин иккови яна учрашиб қолишди.

— Ғофир, мажлисга кирасан-а? Бир кўп масалалар бор.

— Мазам йўқ,— деди Ғафур ака.

— Ия, нима бўлди, ўртоқ?

Ғафур ака аввал қайси кўкрагини кўрсатганини унутиб, ўнг кўкрагини кўрсатди.

— Шу ерим жуда оғриб турипти.

— Боя чап кўкрагим оғриятти дегандинг. Энди ўнг кўкрагингни кўрсатаяпсан. Мени лақиллатаяпсанми, ғудайган?

Ғафур Ғулом дарров жавоб қилди:

— Э, оғайни, умуман белимдан юқориси мутлақо ишламай қўйди.

Ойбек аканинг унга раҳми келди:

— Ундоқ бўлса дарров уйингга бор. Шофёрга айтаман, оборib қўяди.

Ғафур ака унга миннатдорчилик билдириб, машинага ўтирди-ю, дўсти Аҳмаджон заргарнинг тўйига равона бўлди.

Санд АҲМАД.

● МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Ижодкор хотирасига бағишланди

Республика Киночилар уйида «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияси Ўзбекистон Кино арбоблари бирлашмаси билан ҳамкорликда истеъдодли режиссёр Баҳодир Музаффаров хотирасига бағишланган кеча ўтказди.

Кинодраматурглар, санъатшунослар ҳамда кино ихлосмандлари иштирок этган ушбу кечада режиссёрнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз борди. Баҳодир Музаффаров ўзбек ҳужжатли кино санъатига салмоқли ҳисса қўшган ижодкорлардан эди. Сабаби, у экран санъатининг мураккаб бу турига ўзининг мустақил гоя ва услуби билан кириб келган ва биринчилардан бўлиб шўро тузумида юзага келган ижтимоий, маънавий, экологик муаммоларни экранга дадил олиб чиққан. Режиссёрнинг бахти шунда эдики, у мустақиллик йилларида ҳам миллий киномизга хизмат қилиб улгурди. Хотира кечасида унинг «Руҳ», «Оролқум», «Илон йили», «Орол қизлари», «Нодирабегим» сингари турли мавзулардаги фильмлари намойиш этилди.

Кечада, шунингдек, Б. Музаффаров кўп йиллар орзу қилган, лекин амалга оширолмаган гоя асосида Ж. Исҳоқов суратга олган «Тушлар» ҳужжатли фильмининг премьераси ҳам бўлиб ўтди. Миллий ҳунармандлик, халқ амалий санъатининг турли йўналишларида ижод қилаётган усталарнинг асрлар оша эъзозланиб келаётган анъаналари ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу фильмни Россиянинг Иркутск шаҳрида экология бўйича ўтказиладиган халқаро кинофестивалга юбориш кўзда тутилмоқда.

(ЎзА).

Ёш бастакорлар фестивали

Қайси соҳада бўлмасин, истеъдодли ёшларга ҳамиша эътибор зарур. Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этган Ёш бастакорлар фестивалини ҳам ана шундай эътибор намунаси, дейиш мумкин.

Мусиқа оламида ижод қилаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги номларни кашф этиш мақсадида ҳар йили ўтказиладиган бундай анъанавий фестивалда номи элга танила бошлаган истеъдодли бастакорлар билан бирга Тошкент Давлат консерваторияси талабалари ижросида ҳам куйлар янграмоқда.

Эътиборли томони шундаки, фестивалда ёш бастакорлар ўзлари яратган мусиқа асарлари билан иштирок этишмоқда. Икки кун давом этадиган мазкур тадбир доирасида ёш бастакорлар ижодиёти масалаларига бағишланган давра суҳбати ҳам бўлиб ўтади.

(ЎзА).

ҲИНД МУНАЖЖИМЛАРИ БАШОРАТИ

ТОҒ ЭЧКИСИ (22 декабрь—20 январь) хизмат ёки мартабасига дахлдор муҳим хабардан воқиф бўлади. Мазкур ҳафтада ишбилармон ҳамкорлар изламасдан, мустақил ҳаракат қилишга интилинг. Аёлларнинг кайфияти ёмонлашиб, саломатликлари ҳақида қайғуришади.

ҚОВҒА (21 январь—18 февраль) меҳмонхона ва реклама бизнеси билан шуғулланадиганларнинг мартабаси ошиши мумкин. Фаолияти китоб нашри ва оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ бизнесменларни ажойиб таклиф кутаётир. Талабалар хорижда ўқиш учун маблағ топишади.

БАЛИҚ (19 февраль — 20 март) давлат хизматидагилар иш ва мартабаси бўйича муҳим хабарни эшитади. Узоқ саёҳат яхши натижаларга сабаб бўлади. Янги дўстлар ишингиз юришишида асқотади. Яқинлар билан муносабат эса кўнгилдагидек бўлмаслиги мумкин.

ҚЎЙ (21 март—20 апрель) иш борасида кўп нарсага эришмоқ учун суръатни оширинг. Тез орада бундан даромад олишингиз мумкин. Бизнесменлар қариндошлари билан қўшма корхона очиши кутилаётир. Жудаям уятчан бўлманг. Қалбдаги ҳис-туйғуларни севганингизга дадил айтинг.

БУЗОҚ (21 апрель—21 май) ишга янгича ёндашув маслаҳат берилади. Бу муваффақият ва даромад калитидир. Иш сафари давомида тузилган муҳим битим ўз кучингизга ишонч ҳосил қилдиради. Молиявий ишларингиз ривожланиш арафасида. Яқинга мўлжалланган режалардан тийилиб туринг. Бизнесдаги ҳамкорга ишончни йўқотманг.

ЭГИЗАКЛАР (22 май—21 июнь) янги гоя ва фикрлар пайдо бўладики, бу даромадингизни оширишга хизмат қилади. Тез самара берадиган банк операцияларига сармоя ётқизиш мумкин. Талабалар яхши баҳоларга эришиш учун қўшимча шуғулланиши лозим. Хориж сафарига яқин дўстингиз ёрдамлашади.

ҚИСҚИЧБАҚА (22 июнь—22 июль) барча юмушларини бажариш ва яхши натижаларга эришишга муваффақ бўлади. Иш лойиҳасини муддатидан олдин адо этиш яхши даромад келтиради. Ҳафта давомида спорт билан шуғулланиш маслаҳат берилади.

АРСЛОН (23 июль—23 август) таваккал қилиб, янги ва ғайриоддий иш билан шуғулланишингиз мумкин. Ҳис-туйғуларни жиловлаб, қалбингизга қулоқ тутинг. Ҳар қандай ишда омад сизга йўлдош. Бизнесменлар янги лойиҳа учун мўмай даромад олишади. Ижодкорлар ҳам кўп нарсага эришадилар. Юристлар эса суд жараёнида ғолиб келиши мумкин. Шимолга бўладиган сафар омадли бўлади.

ПАРИЗОД (24 август—23 сентябрь) хизмат мартабангиз ошиши мумкин. Меҳмонхона хизматчилари ва реклама эълонларини тайёрловчиларни раҳбарлари сийлайди. Ҳафта давомида сизни кўп учрашувлар кутаётир. Ҳатто муҳим бир шахс сиз билан танишиш иштиёқида.

ТАРОЗУ (24 сентябрь—23 октябрь) олдингда сизни яхши хабарлар кутаётир. Молиявий муаммони бартараф этиб, даромадга эга бўласиз. Бизнесменлар самарали битим имзолашади. Дўстингиз хорижга ёзги таътилга таклиф этиши мумкин-ки, бунда иш борасидаги масалалар ҳам ҳал бўлади. Ишбилармон ҳамкорлар билан муносабат ёмонлашади.

ЧАЁН (24 октябрь—22 ноябрь) ишингизни ўзгартиришга имкон бўлмайди. Олим, журналист ва педагогларга омад йўлдош. Уларнинг айримлари хорижга сафарга бориши, нутқ сўзлаши мумкин. Шахсий ҳаётдан кўнгилни тўқ тутаверинг.

ЎҚОТАР (23 ноябрь—21 декабрь) молиявий режаларни амалга ошириб, натижасини кўради. Сиёсатдонларни қизғин фаолият кутаётир. Уларга омад йўлдош. Бироқ атрофдагилар билан муносабатда ҳушёрлик зарар қилмайди. Банк ёки меҳмонхона бизнеси борасида мартабага эришиш орзусидагилар мазкур ҳафтада бунга етишишлари мумкин. Илмга интилаётганлар бу эзгу ниятини икки ойга кечиктириши маслаҳат берилади.

ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



ЭНИГА: 1. Италиянинг таниқли футбол командаси. 4. Қалин, қаттиқ қоғоз. 10. Ясси геометрик шаклнинг барча тарафлари узунлигининг йигиндиси. 11. Пойтахтимиз вилоятидаги шаҳарча. 13. Дунё қитъаларини аҳратиб турувчи тог. 14. Аёлларнинг энг баланд овози. 15. Узунлик ўлчови бирлиги. 18. Африкадаги давлат. 19. Адоватнинг кушандаси. 20. Жониворлар касалликларини ўрганиш ва даволашга оид фанлар мажмуи. 23. Қоннинг суюқ таркибий қисми. 25. Ёйиш йўли билан металл ва металл қотишмаларидан тайёрланган турли шакилдаги ашё. 28. Ватанимиздаги ёшлар жамғармаси. 29. Алоқа воситаси. 30. Фаол, коинот. 33. Ёғочдан турли буюмлар ясовчи ва ишлатувчи ҳунарманд. 34. Тилшунослик соҳаси. 35. Бадиий асардаги ўзаро узвий боғланган воқеа-ҳодисалар мажмуи. 36. Меваси истеъмол қилинадиган, қора қайинлар оиласига мансуб жанубий дарахт.

БЎЙИГА: 1. Қуёш тизимидаги саккизинчи ҳисобланувчи сайёра. 2. Жанубда ўсувчи доим яшил, меваси серсув дарахтнинг тилимиздаги номи. 3. Перу давлати пойтахти. 5. Оптика ҳисобида муҳим аҳамият касб этувчи «Синус қонуни»ни аниқлаган, микроскопда тасвир ҳосил қилиш назариясини яратган немис физиги. 6. Танасидан гугурт ашёси сифатида фойдаланиладиган, юқори қисмидан шохлаб ўсувчи дарахт. 7. Ўзидан аввал ўтган ёки замондош адиб асарига ўхшатиб ёки унга жавоб тариқасида ёзилган янги асар. 8. Тёншондаги тог тизмаларидан бири. 9. Африкадаги давлат. 12. Шахмат бўйича АҚШлик халқаро гроссмейстер. 16. Канаданинг шимолигарбий қисмидаги дарё. 17. Нефть маҳсулоти, қуюқ мой. 21. Фарғона вилоятидаги туман. 22. Таълим-тарбия кўрганлик, эгаллик. 24 «Абай йўли» асари муаллифи, атоқли қозоқ адиби. 25. Атом ядросининг таркибий қисми, мусбат зарядланган зарра. 26. Вақтнинг аниқ, бирор иш, нарса учун белгиланган бўлаги. 27. Наркотик модда тури. 31. Мақолдан: Отанг боласи бўлма, ...боласи бўл! 32. Қон томири.

Ф. ОРИПОВ.

ГАЗЕТАНИНГ 70-СОНИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ТОПҚИРЛИК МАШҚИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 7. «Қизилқум», 8. Триллион, 10. Ессентуки, 11. Китоб, 12. Майса, 13. Мантия, 15. Зебра, 17. Сўроқ, 19. Адолат, 20. Нисбат, 24. Бодом, 26. Тавоф, 27. Тўсиш, 28. Норак, 29. Рақам, 30. Стереотип, 33. Тафаккур, 34. Қандолат.

БЎЙИГА: 1. «Қизилжибек», 2. Алгебра, 3. Курс, 4. Орзу, 5. Илтимос, 7. Покистон, 9. Ананас, 13. Малахит, 14. Нмтиҳон, 16. Радио, 18. Ўрама, 21. Топограф, 22. Мистер, 23. Қоратўзак, 25. Мексика, 26. Торпеда, 31. Етук, 32. Трап.

● ПРЕДСТАВЛЯЕМ ОЛИМПИЙЦЕВ

«ХАЛОЛ» — ЧИСТАЯ ПОБЕДА

Лейтенанта Камола Мурадова в мире спорта лучше знают как дзюдоиста — он является победителем чемпионата мира среди военнослужащих, бронзовым призером Азиатских игр в Бангкоке. Вот и на Олимпийских играх в Сиднее Камол будет защищать честь независимого Узбекистана по дзюдо.

Но первые шаги в борьбе он начинал с национальной борьбы курош, именно в ней черпал силы и вдохновение.

Минувший год стал «звездным» для борца — его любимая борьба курош наконец-то получила мировое признание, а он сам стал первым в истории чемпионом мира! Напомним, что на пути к этому званию он одолел борцов из Грузии, Армении, Голландии, а в финале победил серебряного призера Олимпиады в Атланте (по дзюдо) земляка Армена Багдасарова. Вот когда прозвучало над ковром знаменитое «Халол» — высшая оценка борцовского мастерства.

Радость этого успеха по праву разделили с атлетом его тренеры Рустам Тураев и Борис Григорьев. К сожалению, в июле на ковре II чемпионата мира в турецкой Анталии Камола не будет в составе сборной страны — его ждет не менее трудный экзамен в далекой Австралии. Многочасовые тренировки на татами, спарринги, жесткий режим — все подчинено строгому ритму подготовки к Олимпиаде. Четыре года назад Армен Багдасаров привез из Атланты «серебро» в весе до 90 кг. Уроженец древней Бухары — исконно борцовского города — Камол Мурадов мечтает о золотой медали. Пусть сбудется его мечта!

● ТЕННИС: «ТАШКЕНТ-ОПЕН»

ТУЛЯГАНОВА — В ПОЛУФИНАЛЕ

Безусловно, все узбекистанские любители тенниса с интересом наблюдают за участием своей соотечественницы в международном турнире «Ташкент-Опен». Спешим их порадовать — Ирода вышла в полуфинал парного разряда и в четвертьфинал одиночного.

Сначала об одиночной встрече. Китаянка Ли Тинг, в первом круге выбившая одну из «сеяных» россиянок Алину Жидкову (92-й рейтинг), в игре с Ирода выглядела измотанной. Первый сет она отдала практически без борьбы — 6:1. Во втором, при счете 5:1, она забирает свою подачу и затем гейм на подаче Туляганова, но на большее ее не хватило — итог 6:3.

Очень драматичным по накалу борьбы выглядел матч между россиянкой Еленой Бовиной и итальянкой Франческой Любиани — первый сет за Леной (6:4), во втором все решилось на тайбреке, она вновь была чуточку точнее — 7:6 (4). Будет ли ей так же везти в игре с Туляганова?

Продолжает победную серию «ниспровергательница авторитетов» итальянка Франческа Скиавоне — на сей раз перед ней не устояла белоруска Надежда Островская (6:2, 6:4). А вот ее подруге по команде Татьяне Пучек улыбнулась удача — победа над россиянкой Екатериной Сысоевой (6:2, 6:2).

На послематчевой пресс-конференции выяснилось, что Скиавоне уже трижды играла с Пучек и дважды проигрывала. Сравняет ли она счет в Ташкенте?

Еще одну четвертьфинальную пару составили китаянка Ни Джинг-Кияи и израильтянка Ципора Обзилер — первая обыграла Хилу Розен из Израиля (6:2, 6:2), а Ципора в трех сетах одолела индонезийку Вини Пракуся (3:6, 6:4, 7:5).

Подтвердила свой высокий рейтинг (48-й в мире) француженка Сара Питковски — она победила немку Анке Барна (6:4, 6:4). Продолжает удивлять вышедшая в основную сетку из «квалификайна» украинка Анна Запорожанова — в трехсетовом поединке она оставила не у дел венгерку Петру Мандулу (3:6, 6:3, 6:2). Но хватит ли у нее «пороха» на Питковски?

В парном разряде дуэт Туляганова — Запорожанова в упорной борьбе одолел сильную пару Жидкова — Питковски (6:3, 6:4). А итальянка Джулия Касони с Надеждой Островской не оставили шансов австро-германской паре Бахман — Кивендт (6:1, 6:1).

Дуэт Бовина — Прокуся обыграл пару Куликовская — Сысоева (6:2, 6:3) и теперь в полуфинале скрестит ракетки с китаянками Ли На и Ли Тинг, победившими накануне Мандулу — Сангарон (6:4, 6:2).

На послематчевой пресс-конференции директор ВТА-тур Клэр Вуд, отвечая на вопросы журналистов, подчеркнула, что обращение к Президенту Узбекистана, принятое от имени участников и организаторов турнира «Ташкент-Опен», это проявление благодарности руководству нашей страны за гостеприимство и внимание к развитию тенниса.

В выходные дни состоятся решающие встречи.

● ФУТБОЛ: ЧЕМПИОНАТ УЗБЕКИСТАНА. ВЫСШАЯ ЛИГА.

Торжество атакующей игры

14 июня. Результаты 18-го тура: «Навбахор» — «Хорезм» — 3:1, «Темирйулчи» — «Турон» — 1:1, «Самарканд» — «Дустлик» — 6:3, «Зарафшан» — «Кимегар» — 0:0, «Бухара» — «Пахтакор» — 4:3, «Кызылкум» — «Семург» — 0:0, «Нефтчи» — «Согдиана» — 3:1, «Андижан» — «Гулистан» — 5:1, «Насаф» — «Металлург» — 4:3, «Сурхан» — «Трактор» — 2:0.

Центральной встречей тура стала игра в Самарканде, где хозяева принимали чемпиона Узбекистана — «Дустлик». При поддержке 25 тысяч болельщиков самаркандцы одержали очень важную для себя победу, сократив разрыв в очках с лидером чемпионата. Уже в первом тайме они четырежды поражали ворота гостей — счет открыл Фузайлов, Ашурматов сравнял его, но затем за 11 минут Усманходжаев, Мухаммадиев и Гамбаров делают преимущество «Самарканда» неоспоримым. Во втором тайме «дубль» удается сделать Ириметову и Базарову — Жафар пытается спасти команду от поражения, но Равшан на 82-й минуте ставит победную точку.

Не менее результативной выдалась игра в Бухаре. Пахтакоровцы перед игрой усилили состав — на сегодня уже оформили переход Г. Шарипов («Бухара»), В. Почуев и Р. Маталиев (оба «Нефтчи»), С. Курбанов («Темирйулчи»). Но даже после этого подопечным Виктора Борисова не удалось увезти хотя бы очко. Здесь также основные события развернулись в первом тайме. После голов Умурова, Шишелова и Зотова хозяева к 27-й минуте вели уже — 3:0. Затем новобранец «Пахтакора» Сали Курбанов и Игорь Шквырин сквитали два мяча. На 63-й «Бухара» вновь отрывается на 2 мяча после гола Бакаева, но Шквырин опять сокращает разрыв до минимума. На сравнивание счета гостям не хватило оставшихся 15 минут...

Крупно выиграл дома «Андижан», а вот «Насафу» победа над «Металлургом» далась нелегко — после первого тайма счет был 2:2 — на «дубль» Холмурадова бекабадец Саидов ответил тем же. Однако после перерыва тот же Холмурадов забивает с пенальти третий гол, Хайдаров увеличил разрыв, а Агеев установил окончательный счет — 4:3.

Лишь в трех матчах оборона торжествовала над атакой — «Темирйулчи» не удержал победу над аутсайдером «Туроном», а в Навои и Зарафшане вратари ушли с поля «сухими». Обилие голов, конечно, радует, но ненадежная игра линии обороны у чемпиона страны «Дустлика» и базовой команды «Пахтакор» не может не тревожить — ведь именно отсюда будет составляться костяк национальной сборной, которой осенью предстоят важные матчи международного уровня.

ПОЛОЖЕНИЕ КОМАНД ПОСЛЕ 18-го ТУРА:

	И	В	Н	П	М	О
1. «Дустлик»	18	14	2	2	49—20	44
2. «Самарканд»	18	13	1	4	43—21	40
3. «Насаф»	18	11	5	2	35—19	38
4. «Нефтчи»	18	10	6	2	32—16	36
5. «Навбахор»	18	10	5	3	40—19	35
6. «Сурхан»	18	9	4	5	31—25	31
7. «Семург»	18	9	3	6	33—23	30
8. «Бухара»	18	8	3	7	19—21	27
9. «Андижан»	18	6	7	5	31—24	25
10. «Зарафшан»	18	6	4	8	16—29	22
11. «Трактор»	18	6	3	9	19—21	21
12. «Пахтакор»	18	6	3	9	26—30	21
13. «Кызылкум»	18	5	6	7	16—24	21
14. «Металлург»	18	5	5	8	17—23	20
15. «Согдиана»	18	5	4	9	16—28	19
16. «Гулистан»	18	5	2	11	24—34	17
17. «Кимегар»	18	3	7	8	14—27	16
18. «Хорезм»	18	3	5	10	14—25	14
19. «Темирйулчи»	18	3	4	11	21—39	13
20. «Турон»	18	1	5	12	14—42	8

● ФУТБОЛ: ПЕРВЕНСТВО УЗБЕКИСТАНА. ПЕРВАЯ ЛИГА

ОДНОГО ЖЕЛАНИЯ МАЛО

Именно эти слова так и просились по окончании матча МХСК — «Олтин тола». Армейцы с минимальным счетом выиграли его за счет единственного гола. Хотя позможностей у них для взятия ворот было больше чем достаточно. Однако оказалось, что огромное желание хозяев поля забить не подкреплено уверенностью и мастерством в реализации голевых моментов...

Немногочисленным зрителям, пришедшим в этот день на стадион, было трудновато отличить соперников друг от друга — обе команды играли в красно-белых футболках. И все же арбитр встречи Рузим Давлетмурадов снисходительно посмотрел на это, как и на некоторые эпизоды грубой игры сзади по ногам.

Гости — дебютанты лиги — не создавали особых проблем хозяевам: действовали прямолинейно и бесхитростно. И уже в первом тайме МХСК неоднократно мог выйти вперед, но в завершении атак не хватало точности Николаю Моисееву и Вилену Киму.

В начале второго тайма вместо Баходыра Хамидова в средней линии появился Андрей Журкин. Он запомнился не только умением создавать голевые моменты, но и каким-то фатальным невезением (или неумением) их реализовывать. В матче с «Шахриханом» именно незабитые Журкиным голы стоили команде поражения. И здесь тоже он вновь на острие атаки — и вновь не забивает. Особенно обидным был его промах после индивидуального прохода в штрафную Моисеева и прострела на дальнюю штангу — Андрею оставалось лишь замкнуть передачу, но он упускает шанс...

К счастью, случилось это уже на последней минуте встречи, когда МХСК уже вел в счете — гол на счету Моисеева. Забит в хорошем стиле — навес в штрафную на Хошимова, тот переправляет мяч головой на Моисеева, и последний головой же посылает его в угол ворот.

Помимо низкого процента реализации голевых моментов, к недостаткам в игре хозяев следует отнести слабую морально-волевую подготовку: рано начав играть на удержание счета, они едва не поплатились.

Результаты остальных матчей 15-го тура: «Шуртан» — «Хива» — 3:0, «Шурчи» — «Навоиазот» — 3:1, «Академия» — «Хисор» — 6:2, «Рохат» — «Олтин бошок» — 1:1, «Газалкент» — «Сергели» — 8:1, «Цементчи» — «Шахрихан» — 1:1, «Кува» — «Балыкчи» — 2:3, «Машъал» — «Ёшлик» — 4:0, «Ситора» — «Касансай» — 2:2.

В воскресенье, 18 июня, МХСК принимает «Хисор».

ПОЛОЖЕНИЕ КОМАНД ПОСЛЕ 15-го ТУРА:

	И	В	Н	П	М	О
1. «Машъал»	15	14	0	1	57—8	42
2. «Академия»	15	10	3	2	37—13	33
3. «Цементчи»	15	8	6	1	32—12	30
4. «Шуртан»	15	9	2	4	34—10	29
5. «Ситора»	15	8	2	5	19—13	26
6. «Шахрихан»	14	7	3	4	23—19	24
7. «Касансай»	15	7	3	5	18—14	24
8. «Рохат»	15	7	2	6	22—18	23
9. «Балыкчи»	14	6	3	5	31—28	21
10. МХСК	15	6	3	6	20—22	21
11. «Хисор»	15	5	4	6	19—27	19
12. «Ёшлик»	15	6	1	8	23—33	19
13. «Газалкент»	15	5	3	7	23—38	18
14. «Хива»	15	4	4	7	14—28	16
15. «Олтин тола»	15	5	0	10	16—23	15
16. «Олтин бошок»	14	4	3	7	15—24	15
17. «Кува»	15	4	2	10	18—22	13
18. «Шурчи»	15	3	3	9	19—38	12
19. «Навоиазот»	12	3	1	8	15—22	10
20. «Сергели»	15	2	1	12	13—56	7

Подборку подготовил майор А. КАМАЛОВ.

Бош муҳаррир
полковник
И. Қ. АБДУҚАРИМОВ.

АДРЕС РЕДАКЦИИ:
г. Ташкент, 700031
ул. Д.Кунаева, 21

Заместитель главного редактора — 56-17-98; ответственный секретарь — 56-04-60. Отделы воинской службы и воспитательной работы — 56-02-51; по связям с государственными и общественными организациями — 56-02-49; массовой работы и спорта — 56-08-72; культуры и организации досуга — 56-03-48, социологии и рекламы — 56-54-76.

Начальник издательства и типографии — 56-04-90; бухгалтерия — 56-03-82; отделы подписки — 56-03-46; заказов — 56-18-44; дежурный — 56-09-81.

Позиция редакции может не совпадать с точкой зрения авторов публикуемых материалов.

Письма, рукописи, фотографии и рисунки не рецензируются и не возвращаются.

Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати. Рег. № 00050.

Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».
Заказ № 0268.